Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
11 сон
13 — 19 март 2003 йил

ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕҒАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

БОРЛИҚДА - ДИЛЛАРДА БАҲОР СУРУРИ

...Ҳалқимиз, миллатимизнинг тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, уни ҳимоялаш керак бўлса, бутун борлиғини аёл учун бахшида этиш ўзини эр йигит деб билган ҳар бир инсон учун наинки машҳур достонларда, балки ҳаётнинг ўзида ҳам шарафли бир иш, мардлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлиб келган. Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз халқига садоқатли ёш авлодни тарбиялашда, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда тинчлик-осойишталик, қутбарака ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган катта хизматларингиз ва сабру бардошингизни Ватанимиз юксак қадрлайди.

...Биз ёруғ келажагимизни қуриш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришишга қаратилган дастурларни амалга оширар эканмиз, юртимизда аёл зоти учун ман қилинган, улар қатнашмаётган бирон-бир тармоқ ёки соҳа бўлмаслиги даркор. Аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бу йўлдаги барча суньий ғов ва тўсиқларни, хотин-қизларга менсимай қараш каби ўтмишдан қолган салбий одатларга бутунлай барҳам беришга бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб қарашимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригидан

Баҳорнинг бошланиши ҳар гал ҳам ўзбек аёлларига оламолам қувонч, бахтиёрлик сурурини бағишлайди. 1 Март - Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллуди куни... Жонажон халқи бахтини, суюкли Ватани шаън-шукуҳини куйлаш бир умр Зулфия ижодининг бош йўналишини ташкил этди.

Улуғ шоирамиз айниқса, хотин-қизлар бахту камоли йўлида фидокорона меҳнат ва ижод қилдилар. Ерга нур ва сув қандоқ жон бахш этса, Аёл - она ҳам меҳрдан, муҳаббатдан эътибору ғамхўрликдан камол топади. Аёл - она гўзаллиги, саодати эса ўз навбатида унинг оиласи, яқинлари, маҳалласи, мамлакати камолида акс этади. Ватан мустақиллиги ўзбек аёлларига эрк ва озодлик нашидасини бахш этди, ўзлигини танитди. Бугун ҳаётимизнинг ҳеч бир жабҳаси йўкки, унда эркаклар билан бир сафда комила, билимдон аёлларимиз ҳам иштирок этмаётган бўлсин. Дарҳақиқат, гапни баҳордан, Зулфия опадан бошлагандик... Мана, неча йилки, 8-Март тантаналарига ҳамоҳанг тарзда Президентимиз томонидан таъсис этилган улуғ шоирамиз номи билан боғлиқ Давлат мукофоти оқила, гулрухсор, комила қизларимизнинг энг сараларига тақдим этилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўзбек Миллий академик драма театрида 8-Март хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Тантанада сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг тутган беқиёс ўрни ҳақида маъруза қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида" ги Қарорига мувофиқ ушбу мукофотга сазовор бўлган ўн тўрт нафар қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Қорақалпоғистонлик Фазу Шержанова тинчлик, дўстликка бағишланган қатор ҳикоялари, андижонлик Зиёда Аббаралиева эса кулолчилик санъати борасидаги санъат асарлари учун юксак мукофотга сазовор бўлишди. Бухоролик Дилдора Авезова эса қадимий, унут бўлиб кетган олти хил тикиш усулларини қайтадан тиклаб, ўз кашталари билан АҚШ, Германия, Греция, Ҳиндистон мамлакатларидаги кўргазмаларда қатнашган бўлса, жиззахлик Гулруҳ Мухторова ўзи танлаган кимё, биология, она тили ва адабиёт фанларидан ёзган рисолаларидан мактабларда қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Жиззахлик иқтидорли қиз Ҳулкар Ўринова эса ҳамманинг муаммосига айланган экологик мавзуни танлади. "Табиатни асранг одамлар!", "Табиат муҳофазага муҳтож", ижодий ишлари юксак баҳоланиб "Эколандия мамлакати" танловида биринчи ўринни, наманганлик Гулчеҳра Зокирова "Ниҳол" тўгарагига раҳбарлик қилади, ҳамда шеъриятга қизиқади. Унинг "Сен барибир гўзалсан ҳаёт"-,"Садосиз товушлар" номли китоблари чоп этилган. Самарқандлик Зулхумор Ашурова фан олимпиадаларида, "Ижодкор ёшлар" кўрик танловларида муваффақиятли қатнашиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритган бўлса, тошкентлик Малика Рахмонбердиева инглиз, француз тилларини чуқур ўрганиш билан бирга эртак ва ҳикоялар ҳам ёзади. Уларнинг кўпи қўлланма сифатида 1-2 синф ўқувчиларининг дарсликларига киритилган. Сурхондарёлик Азиза Шоймардонова ўзининг шеър ва ҳикоялари билан аллақачон ўз мухлисларини топган. У республикамиз матбуотида ўзининг асарлари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. "Мурғак қалб садолари" тўпламига фалсафий шеърлари киритилган. Сирдарёлик Гулруҳ Дониёрова ўз хусусий тадбиркорлик корхонасида қизларга тикувчилик, зардўзлик, попоп ва каштачилик сирларини ўргатмоқда. Фарғоналик Севинч Мўминова мухлисларига "Дилхирож" фильми орқали танилган бўлса-да, у эстрада қўшиқчиси сифатида Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида ўзининг катта концерт дастурларини намойиш этди. Тошкент Давлат Аграр университетининг магистранти, Екатерина Аблаева эса ўзининг илмий тадқиқотлари билан танловда қатнашди. Шу кунгача унинг 2 та илмий рисоласи чоп этилди. Хоразмлик Муножот Абдуллаева "Настарин", "Марваридлар тўкаётган тонг", китобларининг муаллифи. Унинг "Меҳригиё- истиқлол" эртак драмаси Огаҳий номли мусиқа театрида саҳналаштирилди. Қашқадарёлик Гулруҳ Очилованинг "Конституция бахтимиз қомуси" рисоласи мактаблардаги дарсларда фойдаланилмоқда.

Ўзларининг зукколиги, танлаган соҳаларидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимиз келажакда фан, таълим, адабиёт, санъат ва маданиятимизни ривожлантириш учун янада кўпроқ ҳиссаларини қўшишларига ишонамиз.

Басира САЙИДАЛИЕВА

УМР ДЕГАНЛАРИ - МЕҲНАТ, МУҲАББАТ

"Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг икки марта совриндори, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ билан суҳбат.

Оиламиз меҳмони

- Домла, ижодий, илмий фаолиятингиз қандай бошланган?

- Мен шеър ёзиш билан мактабда ўқиб юрган кезларимданоқ шуғуллана бошлаганман. Республика ёшларининг адабиёт тўгарагига қатнаб, Шокир Сулаймон, Темир Фаттох кабиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганман. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, М. Шайхзода ва бошқаларнинг суҳбатларини эшитганман.

Олимлигим эса университетнинг Шарқ факултетини битириб, аспирантурага киришдан, Ойбек домла маслаҳатлари билан "Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ёзиш ва ёқлашдан бошланган.

- Сиз адабиётимиз асосчиси Алишер Навоий ижоди бўйича қатор китоблар эълон қилгансиз. Адабиёт мухлисларига энг манзур бўлган китобингиз қайси бири?

- Ўқувчиларга энг манзур бўлган китобим "Навоий лирикаси",-десам, янглишмасман. Уни мен ёшлик завқи билан ёзганман. Шарқ адабиётида лирика жанри ривожланган бўлиб, Навоий эса энг юксак чўққига кўтарилган. Бу китобимни фақат Ўзбекистонда эмас, Озарбайжонда, Тожикистонда, Татаристонда ҳам яхши қарши олишган эди.

"Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан" номли китобимни алоҳида қадрлайман. Чунки унда бор кучим билан Навоий ижодиётининг бош ғоявий-бадиий йўналишларини Шарқ адабиёти контекстида очиб беришга уринганман.

- Волидаи муҳтарамангиз қандай аёл эдилар?

- Ҳаётимда нимага эришган бўлсам, биринчи галда онам туфайли эришдим. Турмуш анча оғир бўлган йилларда онам барча қийинчиликларни ўз бўйнига олиб, ўқишим учун шароит туғдирди. Онамиз мени, укаларимни ҳамма вақт камтарликка, бировдан бирор нарса таъма қилмасликка ўргатган. Биз онамиздан аввало меҳнат қилишни, китоб ўқишни, хатто бозор қилишни ҳам ўрганганмиз. "Бир нарса олмоқчи бўлсанг, аввал бозорни бир айланиб чиқ, нарх-навони суриштир. Бирор нимага харидор бўлсанг эгаси айтган нархининг ярмини сўра", - дердилар. «Сотувчи хафа бўлмайдими?" - десам: «Бу - бозор, хафа бўлмайди. Байлашиб олинган нарса хосиятли бўлади»,-дерди. Онам бизни тўғрилик, ростгўйлик руҳида тарбиялаш билан бирга мол-дунёга берилиш, амалпарастлик йўлларига киришдан ҳам сақлаган.

- Бола тарбиясида оиланинг ўрни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

- Менингча оила ҳар бир инсон учун бамисоли бир тоғ, асосий суянч! Оилада аҳиллик, бир-бирига меҳр-оқибат бўлса, унинг ҳар бир аъзоси эртанги кунга ишонч билан яшайди, нимани истаса-шунга интилади ва эришади.

Навоий каби инсон ана шундай оилалардан етишиб чиққан. Масалан, Навоийнинг отаси ўғли учун жонини беришга тайёр бўлган. Тоғаларимирсаид, Муҳаммад Али унинг шоир, олим, мусиқачи, бўлиши учун вақтларини ҳеч аямаганлар. Ака ва укалари ҳам ўзаро меҳрибон бўлиб, умрларининг охирига қадар бир-бирларига ҳурмат-иззатда яшаганлар. Дарвешали исмли укасига эса "Садди Искандарий" достонининг охирида махсус бир боб бағишлаб, уни "Аё, гавҳарим конининг гавҳари!", деб мақтаб, гўзал насиҳатлар қилган.

- Болаларнинг илмга муҳаббатини ошириш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

- Менимча ҳар бир ота-она фарзандини лаёқатига қараб бирор касб-ҳунарга, ёки илмга йўналтириб бориши керак. Ўғлингиз спортни севса-ю, сиз унинг қўлига китоб бериб қўйиб, ўқишини талаб қилишингиз инсофдан эмас. Фарзанди илмли бўлишини истаган ота ёки она аввало ўзи кўп нарсани билиши зарур.

- Бугунги ёшлар шеъриятидан кўнглингиз тўладими?

- Ҳозирги шеъриятимизнинг яхши томонларидан бири шундаки, ҳар хил тоифадаги одамлар ижод қилишмоқда. Бировнинг йўлини биров тўсаётгани йўқ. Вақт ўтиши билан давр уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади. Шундай одамлар борки, шеър ёзмаса туролмайди. Ҳеч ким шеър ёзмай қўйса, бу ҳам фожеа! Ўзим ҳам борлигимдан, ўтган йил "Ишқим чечаклари" номли тўпламимни эълон қилдим.

- Бошқа мамлакатлардаги олимлар билан алоқаларингиз қандай?

- Илмий алоқалар йўли билан Афғонистон, Туркия ва Эронда бўлиб, у ердаги кутубхоналарда мавжуд қўлёзма ва китоблар билан танишдим. Улардаги янгиликларни ўргандим. Кейинги 40-50 йил давомида Озарбайжон, Туркманистон, Россия, Татаристон билан яқиндан илмий алоқалар ўрнатилди. Бу ҳамкорлик ҳозир ҳам давом этмоқда.

- Яна бир савол. Ҳақиқий олимнинг шогирдлари ҳам бўлиши керак. Бу масалада сизнинг қарашингиз ва амалиётингизни билишни истар эдим.

- Шогирдлар - фаннинг келажаги. Мен шогирдларимдан ғоят хурсандман. Бир вақтлар ёритиш мушкул бўлган масалаларни энди улар бемалол матбуотга олиб чиқишяпти. Масалан, аспирантурада ишлаб юрган вақтимда шоҳ ва шоир Қул Убайдий ижоди бўйича илмий-тадқиқот яратмоқчи бўлгандим. Лекин у даврда шоҳ ёки сўфий шоирлар ижоди бўйича диссертация ёзишнинг иложи йўқ эди. Кейинчалик 2000-йилда шогирдим Муҳаммаджон Абдуллаев бу мавзуни менинг раҳбарлигимда номзодлик диссертацияси ёқлади.

- Бутун дунё аҳлини шеърга, илмга чорлаган Навоийдек инсон яна дунёга келармикан?

- Саволингиз ўта қизиқ. Инсоният ҳамма вақт яхши орзу-умидлар билан яшайди. Аммо, менинг фикримча, иккинчи Навоий чиқмайди. Чунки Навоий такрор бўладиган шахслардан эмас. Такрор чиқса-ўзининг такрори бўлиб қолади. Менингча, Навоий каби янги даҳолар чиқиши мумкин. "Бутунлай чиқмайди!"-десак, оллоҳнинг кучқудратига шак келтирган бўлиб қоламиз.

- Турмуш ўртоғингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз?

- Турмуш ўртоғим Ҳалимахон Хайитметова кўп жиҳатдан онамга ўхшаб кетади, десам ишонаверинг. Ўзининг онаси барвақт ўтиб кетганлиги сабабли кўп нарсани у бизникига келганидан кейин онамдан ўрганган. Рўзғорда пишиқ. 1957-йили Ҳозирги Миллий университетнинг филология факултетини битирган. Бир умр 154-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Бир қанча орден ва медалларга сазовор бўлган. Ҳозир фахрийлар сафида. Набиралар тарбияси ва ўқиши билан банд. Менга ҳам онда-сонда қарашиб ёзганларимни кўчириб бериб туради. Мен унга ўз муносабатим ва ҳурматимни "Моҳи тобоним" деган шеъримда баён этишга ҳаракат қилганман. Лекин нима ёзмай, биринчи бўлиб унга ўқиб бераман, фикрини сўрайман.

- Газетхонларимизга тилакларингиз.

- Ҳурматли ва азиз газетхонларни фарахбахш Наврўз байрами билан чин кўнгилдан табриклайман. Бахт, омадлар тилайман!

Нигора ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди

ОРЗУЛАР ОҒУШИДА

Мен болалигимдан хорижий тилларни ўрганишга интилдим. Ота-онам, Бахтиёр акам менга кўмак беришди. Қоларверса, инглиз ва араб тиллари бўйича мутахассис Меҳринисо холам ҳам ёрдамларини аямадилар. Мактабда ўқиб юрган кезларим инглиз тили ўқитувчимиз Ўктам Шарипованинг ҳамиша ёнларида бўлдим. Аввал кичик матнларни, сўнгра шеърларни таржима қила бошладим.

Тил билиш халқларни, миллатларни бирлаштиради. Менинг назаримда Ўзбекистоннинг дунёга танилишида дунё тилларини биладиган ёшларнинг ҳам ўрни бор.

Ўтган йили Тошкент Давлат Жаҳон тиллари Университетининг Академик лицейига қабул қилиндим. Академик лицейда инглиз, фаранг, олмон, испан тиллари кенг ўргатилади. Махсус дарсларда худди бошқа мамлакатга бориб қолгандек бўласиз. Махсус фанлар ўқитувчилари Раъно Шарипова, Зиёдулла Жониқуловлар ўта талабчан.

Академик лицейимиз элчихоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Махсус кутубхоналарнинг эшиги ҳар доим очиқ. У ерда кўплаб тилларда нашр этилган китоблар, журналлар сақланади. Электрон почта орқали япон болалари билан мулоқотимиз бор.

Қисқаси, болалигимдан энг улкан орзуим бўлган хорижий тилларни ўрганиш истаги бир қадар амалга ошаётир. Академик лицейимиз умумий йиғилишида инглиз тилида доклад қилдим. Буни лицей радиоузели орқали ўқийдиган хабарларда ҳам амалга оширмоқчиман. Айни дамда испан тилини ҳам ўрганишга киришдим.

Замонавий ўзбек қизи қандай бўлиши керак бўлса шунга эришишим керак. Токи биз ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ва Президентимизнинг ишончларини оқлайлик.

Гулмирахон ИСЛОМБЕКОВА, Жаҳон тиллари Академик лицейининг ўқувчиси

ЮРТКИНГ ТИНЧЛИГИНИ СЎРАГАН ОНАЖОНИМ...

Йиллар-йилларни қувиб ўтиб бораётир. Ойлар кетидан ойлар келиб, ҳафталар ҳафталарни адаштириб кетаётир. Мунаввар тонг отиб, кун ботаётир ва яна тонг отаётир. Узоқдаман, шу мунаввар тонгда онамни қучгим, меҳр билан онамнинг юзларига боқгим келади. Қордай оппоқ сочларига, ажин босган юзларига такрор-такрор термулгим келади. Пешонасидаги чизиқлар, ажинлар онамни ҳар кўрганимда гўё кўпайгандек туюлади. Хаёлимда шу чизиқлар, ажинлар ўтган йиллар армонини, қувончларини ҳикоя қилаётгандек туюлади.

"Она, онам-эй, дея келди бир садо", деб айтилувчи бир қўшиқ бор. Шу қўшиқ хотирамда қаттиқ муҳрланиб қолган. Ҳар гал қишлоққа бориб, онамларнинг ҳовлисига кираверсам, шу қўшиқ тилимга келади, келадию, онамни излайман. Укаларим, жиянларим югуриб келиб, кўришиб, онамни чақира бошлашади. 80 ёшни қоралаган онам, оҳ менинг мунисгина онажоним, ё полиздан, ё ошхонадан ёки оғилхонаданми, этагини бир қоқганича қаршимга пешвоз чиқади.

Муштипаргина онажоним! Тўй-маъракаларда акасининг, укасининг йўқлиги билиниб, кўнглига бироз озор етганида, 7 нафар фарзанднинг 2 таси ўғил бўлганига шукроналар қилган онажоним! Шу икки ўғлининг улуғлигини тилаган, уларни бир-бирига меҳрли қилиб тарбиялаган меҳрибон онажоним! Сизга қасидалар битгим келади, шеърлар ёзгим келади, аммо на илож, қўлимдан келмайди. Бир кун машғулотдан қолмасин, деб мени, қишлиқировли кунда, биронта ҳам йўловчи машина учрамаганда, 12км йўлдан марказий бекатга пиёда олиб келган муштипаргина онажоним! Яна қайтиб 12км пиёда юрган, қай ҳолатда, қай аҳволда етиб боргансиз уйга, менинг беозор онажоним!

Фақат сизга аталган сўзим

Иккинчи ўғлингиз оғир жарроҳлик операциясидан чиққанда, соатлаб, кунлаб парвона бўлган, инграса инграб, қийналса қийналиб, жонига малҳам бўлган онажоним! Бош келинингиз сариқ касал бўлиб, боласи 40 кунлик чақалоқ қўлингизда қолганида сабр-бардош билан катта қилган, келинини қизидай кўриб, соғлигини тиклашга ёрдам берган мунисгина онажоним! Ўша неварангизга улғайиб, оилали бўлиб, фарзандига бешик тўйи олганида, чеварангизни бешикка солиб, алла айтиб, кўзларига севинч ёшлари келган камтаргина онажоним!

Кўнглингиздан шу дамда нималар ўтдийкин, онажон! "Яратганингга, Оллоҳга шукр", дедингми, "Кўрсатганига шукр", дедингми?! Ҳар гапида юзига дуо тортиб, элнинг, юртнинг, фарзандларининг тинчлигини сўраган меҳрибон онажоним! Онамнинг бағрида бир пас туриб, шулар хаёлимдан ўтди-ю ва шу дамда остона ҳатлаб, ҳовлидаги жамики нарсаларга ҳайқиргим келди.

"Еру кўкни яратган эгам ўзинг асра онажонимни".

Ёшлигимда журналист бўлишни орзу қилардим. Лекин шу касб эгаси бўлолмадим, ҳар замон ниманидир бировга айтгим келса, айтолмасам қоғозга туширардим. Ҳали ҳам шу касбга қизиқаман.

Дилором ЭГАМҚУЛОВА Жиззах вилояти Бўстон шаҳарчаси

НЕГА БЕЗОВТАСАН, ЮРАГИМ!

Чарчадингми, юраккинам? Безовтасан... Нега? Менинг узундан узун ҳаёт йўлимда толиқиб қолдингми? "Қуш тинади, эл тинади — сиз тинмайсиз", - дейди улус. Шундоқ яратилган бўлсам-ҳаёт тарзим шу бўлса мен қандоқ қилай?

Аввал тинсам ҳам энди тинолмайман, йўлдошим. Нечунким аввалгидан ҳам уйғоқ, тийрак бўлмоғим, қўлимдаги катта бахтни олдириб қўймаслик учун зийрак бўлмоғим жоиз. Энди сенинг юкинг ортадиган кўринади, жафокашим. Зеро, мен ниманики бошдан кечирмайин, ниманики кўзим билан кўрмайин-ҳамма-ҳаммасини сен орқали идрок этаман-барча ишимда сен бош-қош.

Ўзингдан қолар гап йўқ. Қандай катта бахт қуши кўнди менинг бошимга, эл-юрт бошига-Ҳумо қушия... Ҳатто тушда кўриш ҳам насиб этмаган бахт-а... Уни ҳуркитиб юбормасак эди, олдириб қўймасак эди, деган ҳадиқдаман. Уни ёмон кўзлардан асрашимиз керак, дея жоним ҳалак. Ана шунинг учун ҳам зўр сенга тушаяпти, жабрдийдам, юраккинам... Сени азобга солиб қўйдимми? Мен берган азобга дош беролмаётган кўринасан: "Дук-дук уриб кетасан. Бирдан авжга чиқа бошлайсан: Дук-дук-дук, дук-дук-дук..." - дея нолиш қиласан. Нега бунча жонинг ҳалак, юрагим? Мен сенга ортган юк оғирлик қилдими? Оғриқ кирдими-я, жисми-жонингга? "Ҳали-ҳозир пақ этаману, ёрилиб кетаман", - деб огоҳ этаяпсанми мени?! "Бирозгина дам бер-ором олай", - деяпсанми? Оҳ, қани энди шундоқ қилолсам-а... Лекин бундай қилолмасам нетай? Ҳаққим йўқ. Садақанг кетайин, юраккинам, мени кечир! Ундай қилолмайман-ҳаққим йўқ...

Ҳозирги дориломон замонни интиқлик билан, зоринтизор кутган, бунга эришмоқ йўлида курашиб кафансиз, шаҳид кетган истиқлолчилар дарди-ҳасрати мени уйғоқ бўлишга чорлайди. Улар ҳадсиз-ҳисобсиз. Улардан айримлари-менинг отаи бузрукворим, ёзувчи Саид Аҳрорий, Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Тангриқулҳожи Мақсудов, Нажмиддин Шорахмедовлар ёди тунлари кўзимга уйқу бермайди, кундузлари тинимсиз ҳаракатга ундайди. У бахти қароларнинг кураши ҳам бир эди, ғўрларини ҳам бир қилган-узоқдан-узоқ юртда-Москвада отишгану, мустабид тузум уларнинг бешовини бир ғўрга тиққан.

Сени азобга солган бўлсам, мени кечир, юраккинам. Ўзинг тушунасан, менинг жисми-жоним қанчалар азобда қолганини ҳам, олдимда не-не вазифалар турганини ҳам... Мустақиллигимиз тамал тошини қўйиб шаҳид кетган не-не зотлар ёдини абадийлаштириш йўлида, уларнинг фарзандлари, невара-чевералари қалбида чўкиб ётган оғир тошни юлқиб олиб, барчаларини улар шаънига мустабид тузум таққан тавқи лаънатдан халос қилиш йўлида мустақил давлатимиз бошлаган ҳаракатдан четда туролмайман-ку. Сени аясаму, ўзимни четга олсаммиҳеч қачон кечирмайман ўзимни... Ҳа, шундай! Яна ўзинг биласанки, мен ҳақ-ҳуқуқини, бурчини, зиммасидаги вазифанинг нималигини яхши англайдиган бир фуқароман. Сени тинч қўёлмаслигимнинг боиси шунда. Истиқлолимиз шарофати ила кўз ўнгимда очилган янги олам, янги имкониятлар-янги уфқлар менинг зиммамга қанчаданқанча вазифаларни қалаб ташлаганини билсанг эди... Ўз зиммамга ўзим юклаб олган бу адоқсиз вазифаларни адо этиб улгурмоққа ошиқишим керак. Ошиқишим... Йўқ эса улгурмай қолишдан қўрқаман. Яна панд бериб қўймагин-а, дардлигинам. Давр олдимга сурган вазифаларни ўтаб улгуришим учун бироз сабр қил, менга далда бўлгин, юраккинам. Мен улгурмоқни кўзлаган маррага етмоқ учун, эндигина режалаган ишларимни бошлаб олмоқ учун куч бер. Сенинг далданг ва мададинг билан бекафан ва бежаноза кетган қондошларим руҳини шод этмоққа улгуришим керак.

Худо хоҳласа, ана шундан сўнг мен ҳордиққа чиқаман, сен ҳам дам оласан-тинасан юрагим... Аммо, лекин, унгача тиниб-тинчиган номард... Шуни яхши билиб қўйгин-а... Шунга қараб иш тут, юрагим!

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

МАВЗУЛАР

БИЗГА МАЪҚУЛ

Мен тўрт ўғил ва тўрт қизнинг отаси, 21 набирани бобосиман. 50 йиллардан бери туман, вилоят газеталарида хабарларим билан қатнашиб келаман. Табиийки, газеталарни иложи борича кўпроқ ўқийман. Шубҳасизки, газета-журнал материаллари иш фаолиятимда нафи катта бўлган. Баъзи йилларда 10 дан ортиқ номдаги вақтли матбуотга обуна бўлганман. Қўлимда даста газета ушламаган кунларим кўп бўлмаган. Баъзи аёллар болаларимнинг онасига "эринги почтачими?!" деган саволларни бериб туришар экан.

Мен айниқса маҳаллага ишга келганимдан кейин газета материалларига "суяниб" қолдим десам ҳам бўлади. Ҳозир "Халқ сўзи", "Тошкент оқшоми", "Оила ва жамият", "Андижоннома", "Ғалаба" (туман газетаси), "Иқбол" (Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитаси газетаси)ни оламиз, уларнинг таҳламларини сақлаймиз. Улардан қизиққан фуқароларимиз ҳам фойдаланишади, биз муҳим деб ҳисоблаган мақолаларни нусхасини олиб фаолларимизга фойдаланиш учун тавсия этиб борамиз.

Бизнинг иш фаолиятимизнинг яқиндан кўмакчи бўлган бошқа газеталарнинг аҳамиятини тан олган ҳолда, "Оила ва жамият"нинг биз оқсоқоллар учун ғоят муҳим эканлигини юксак қадрлаймиз. Ўзим жиддий, дидим қаттиқроқ бўлишимга қарамай, газетадаги айрим мақолаларни ўқиганда чинакамига кўзимдан шашқатор ёш оқади. Баъзан ўқишни давом эттиролмай қоламан. Газетада берилаётган ҳар бир материални кўздан кечирар эканман, маҳалламдаги у ёки бу оила, у ёки бу фуқаро, у ёки бу ҳолат гавдаланаверади. Газетада айтилганларни ҳаёлан маҳалладагиларимга солиштираман ва улар билан ишлаш шакл-шамойилларини топгандай бўламан. Биз деярли ҳар куни ўнлаб одамлар билан юзма-юз келамиз. Мулоқотимиз мезони ранг-баранг. Ана шу суҳбатларда мен газета материалларини (жуда эҳтиёткорлик билан) фуқароларга етказишга ҳаракат қиламан ва кейин менинг берган "ўгитим" қандай самара бераётганлигини кузатиб боришни ҳам унутмайман. Барибир нафи тегаётганини фахмлайман. Бошқа муаллифлар кўтариб чиқаётган масалаларга ғоят катта эътибор берган ҳолда Турсуной Содиқова (у киши билан мен 60-йилларда бирга ишлаганмиз)нинг газетада берилаётган мақолаларини орзиқиб кутаман. "Ўғлим, сенга айтаман", "Қизларга аталган сўзлар"дан кейин "Аёлнинг сирли дунёси" бошлангани айни муддао бўлди.

Газетхон — газета ва ҳаёт ҳақида

Яқинда маҳалламиздаги мактаб раҳбарияти билан суҳбатда (Акромжон Султонов номли 33-ўрта мактаб) шим кийган 9-10-синф қизлари ҳақида сўз борди. Мени қизлар йиғилишига таклиф этишди. Ҳеч иккиланмай "Қизларга аталган сўзлар"га мурожаат қилдим. Ширин мунозара қилдик... Эртасига мактабга келаётган ўша қизларни узоқдан, зимдан кузатаман. Бирортаси ҳам шимда кўринмайди.

Ўтган ойда "Обод маҳалла йили" муносабати билан маҳалламизда 10 та кичик маҳаллалар фуқаролар билан йиғилишлар ўтказдик. Йиғилишга эр-хотинларни биргаликда таклиф қилдик. Йиғилишлардан кейин газетани оилалардан аёллар келиб олиб кетишадиган бўлишди. Ўзимиз ҳам ўқишга тавсия этиб турибмиз.

Бу йил мустақиллигимизга 12 йил тўлади. Бу бир мучал. Шунинг учун 1991 йилда туғилган 61 нафар ўғил-қизларнинг рўйхатини олиб чиқдик. Уларнинг ҳаёт тарзи бизга яхши маълум. Наврўз, Хотира ва қадрлаш, Мустақиллик байрамларига бағишланган маҳалла фуқаролар йиғини хомийлигида ташкил этиладиган тадбирларга ана шу ёшларни таклиф қилишни режалаштириб қўйдик.

Шоядбек АБДУРАҲМОНОВ
Балиқчи туман "Каттабулоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

Илмни ўрганиб уни ҳеч кимга айтмаётган одам бойликни тўплаб, уни ҳеч сарф қилмаётган бахилга ўхшайди.

Ҳадис

Мусулмон киши ўз биродарига ҳидоятини зиёда бўлишига ёки ёмонликдан қайтишига сабаб бўлувчи ҳикматли сўздан кўра афзалроқ нарсани ҳадя этолмайди.

Ҳадис

Кимки билган илмидан сўралса-ю, билганини айтмаса, Аллоҳ таоло унга (қиёматда) оловдан жилов солади.

Ҳадис

(Боши ўтган сонларда.)

Бир мухлис аёл куйиб-пишиб, бир давра суҳбати тафсилотини сўзларди. Эмиш, бир муаллима аёл бошқаларга қарши ўлароқ: "Мен Турсуной Содиқовани яхши кўрмайман, нега у ақл ўргатаверади?!"- дебди. "Нега бўлмаса одамлар уни эшитишади?"- дея эътироз билдирибди қолганлар ва шу тарзда анча тортишув давом этибди-да, мухлислар ғолиб келгандай бўлишибди... Бу гап мени ўйлантирди. Мени ёқтирмаган аёлдан хафа бўлмадим, аммо нега кейинги ўн йилда шеър қолиб, насрга бағир бериб қолганим, нега қаламим яшаш фалсафаси-ю, инсон руҳияти тилсимларини титкилаш дардига учраб қолгани ҳақида ўйга толдим.

Қаламкаш ёки воиз нега ёзади ва нутқ ирод этади? Ва ёзгиси келганда, ёйинки сўзлагиси келганда ёзмаса, сўзламаса нима бўлади? Шу саволларни ўзимга бериб кўрдим ва калаванинг учини топгандай бўлдим.

Ҳар қандай одам ёши улғайгач, тажрибалар йиғиндисига айланади, бу пасту баланд ҳаётнинг довонларидан ўтишни минг жон оғриғи билан бошидан кечирган киши, ким бўлишидан қатъий назар, кичик бир мактаб. Ўзингнинг ўтиб бораётганингни сезганинг сари атрофга мурувватпеша ва дилгир бўлиб қолларкансан. Менинг фалон хатойим ёмон бўлди, бошқалар ҳам шуни қилмасайди деган безовталик юрагингдан кетмай қоларкан. Қаламкашда эса дилидагини узоқ-узоқларга етказиб айтиш имкони бор ва бу Аллоҳнинг ундаги неъмати ва омонати! Юрагига Аллоҳ солиб турадики, қаламкаш сўз айтмоққа жазм қилади. Айтмаса, юқорида келтирилган ҳадислардан кўриб турибсизки, мусулмончиликка қарши борган бўлади. Қолаверса, кўнглингга келган нарсани айтиб олмагунингча Худо сени дилингга бошқа нарса сиғмайдиган қилиб қўяди. Халққа айтасану юкдан қутуласан, бошқа ишларингга кейингина йўл очилади. Қалам аҳли ҳеч қачон "ақлим жуда ошиб-тошиб кетди, бошқаларни ҳам бир ўқитиб қўяй" деб қўлига қалам олмайди. Эътибор берсангиз, ҳамманинг сири ўзи билан кетади, фақат қалам аҳлининггина асрори оламга дастурхон бўлади, у йиғлаб ёзади, армонларини, афсусларини айтиб, Аллоҳга тавваллолар қилиб ёзади! Шу кўйга тушгачгина у китобхонни уйғота олади.

Кўп жойларда "сиз кўнглимиздагини, тилимизнинг учидагини топиб айтасиз", деган лутфларни эшитаман. Аммо бу гапдан "сен айтган нарсаларни ўзимиз ҳам аллақачон билар эдик", деган маънони ҳам тушуниш мумкин. Шу кейинги маънони ушлаб олиб, узоқ мулоҳаза қилиб кўрдим. Ёзаётганларим тўғрими ё йўқ? Сўнг бир ёруғ тўхтамга келдим: дилимга қадалган нарсаларни ёзаверишим керак. Китобхон айтганларимнинг кўпини билиши мумкин, аммо инсоннинг бир заиф жиҳати бор-ки, у ўзидаги куч ва салоҳиятни ўлчай билмайди. Кўп ақлли хулоса, таҳлиллари бўлса ҳам, бир иш бошлашда иккиланаверади. Четдан унга кимдир ҳамоҳанг фикр айтиб қолса, "ана, ўйлаганим тўғри экан", дейди-да дадиллашади. Тўхтаб турган фикр фаолиятга айланади. Бу — менинг бир турткисм билан бир арава жойидан жилди деган гап! Инсон доим ўзига ҳамфикр, ҳамдард шерик излайди. Ҳамфикрлилик бир-бирини ўқитиш эмас, бир-бирини маъқуллашдир.

"Бозорга ўхшайди бу дунё", деган экан шоир. Инсонлар турфа, уларнинг қўлидан келадиган ишларнинг ранг-баранглигини айтмайсизми! Сози бор, носози бор, мағзи кўпи бор,ози бор — ҳамма қўлидан келганини ўртага қўяди. Харид эркин, кимга нима керак бўлса, танлаб олаверади. Ўзида бор нарсага эса тўхтамай ўтиб кетаверади. Эътибор берасизми, бозордаги нарсанинг ҳаммасига албатта харидор топилади. Қалам аҳлининг маҳсулоти ҳам шундай, ҳар гал эгасини ўзи топиб олади.

Бизни хуш кўрмаган аёл ҳам ёнимиздан эътиборсиз ўтиб кетавериши мумкин эди. Лекин у тўхтаб, китобимизни олибди, ўқибди, чиқиб кетмай ваъзимизни ҳам эшитибди. Аммо шуни айтайки, бу ойимнинг инкорида эътироф бор! Ҳа, ҳа, у бизни эътироф этаётир! У айнан китобимизни ўқигач, сўзимизни тинглагач, бизни ёмон кўрди. Демак, унинг дарди бор жойни пайпаслаб топибмиз. Кўзига кўрсатибмиз, "фалон хатоларинг учун шундай бўлибсан", деб ишонтирибмиз. Яшасин сўз! Чунки унинг юраги уялиб кетди, жони оғриб кетди! Қайсарлик билан терс қараши шундан, қолаверса, у ичида ўзининг қай ишинидир "ўшани нотўғри қилганман-ов" деб ғашланиб юрарди, аммо шайтони "нега энди сендай одам хато қилар экан, ўз этингни ўзинг ема, сен ҳақсан", дея овунтириб келарди. Ҳақ ташхисни энди эшитди. Имоним комилки, бизни ёмон кўргандан бошлаб, бу аёлнинг ўзида ўзидан кўнгли тўлмаслик кучайган, иншооллоҳ, энди у пинҳона бўлса-да тавбага ўтади!

Ақлу зако, қўл, тил, дил инсонга Аллоҳдан фақат яхшилик қилиш учун берилган. Уни ичимизга димлаб ўтиб кетмайлик. Яхши сўзни, яхши ниятни булбулдай чах-чахлаб куйлайверайлик, биров эшитмаса, биров эшитади, бугун эшитмаса, эртага эшитади. Кўнгироқдай жаранглаб, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан огоҳлантириб яшайверайлик, кимдир бу ишни қилмаётган ёки меҳнатидан эринаётган бўлса, ҳеч йўқ тилида бўлмаса, дилида "баракалла, улар фойдали гапни айтяпти", деб турса ҳам, биродарлик қилган бўлади ва савобга тенг шерик бўлаверади. Барчамизга бир-биримизни уйғотиб яшаш насиб бўлсин, омин.

(Давоми бор.)

Турсуной СОДИҚОВА

ҚАЙТИБ ЧИҚМАС ОЙ БЎЛИБ...

Гўшакдаги аёлнинг овози шу қадар ҳаста, ҳорғин эдики, столим устидаги зарур ишларимни бир четга қўйиб унинг сўзларини тинглай бошладим.

- Ёшим энди 20 га тўлди. Фотима-Зуҳро қизалоқларим бор. Ўзим кўнгил қўйган йигитга турмушга чиққандим. Ўша пайтларда биздан бахтиёр одам йўқ эди. Мана энди...

Аёл йўтала бошлади. Чарчади, шекилли яна сўзини давом эттирди.

- Аслида ҳаммасига ўзим айбдорман. Мактабни битириб институтга кирдим. Гарчи отам катта лавозимда ишласа-да, ҳар биримизнинг ҳаётда ўз мавқеимизга эга бўлишимизни, бунга ўз куч ва иродамиз билан эришишимизни истарди. Мен тиббиёт олийгоҳига ўз кучим билан кирдим. Биринчи курсни тугатишим арафасида совчилар келишиб уйдагиларнинг ҳам тинчини бузиб юборишди. Бу орада маҳалламиздаги Мўмин аканинг ўғли Асроржондан ҳам совчилар келди. Улар республикамизда ҳам анча таниқли инсонлар эди. Бундан ташқари Асроржон Англияда ўқиб, ўша ерда ишга қолганди. Хуллас уйдагилар уларнинг совчиларига оқ ўратиб юборишди.

- Сиз у йигитни яхши танирмидингиз?

- Кўргандиму лекин гаплашмагандик-да. Тўй белгиланганч биз учрашдик. Асроржон 23 ёшда бўлса, мен энди 18 га чиққандим. Бахтга ва севгига ишонардим. Тўйдан кейин бахтли яшадик ҳам...

- Наҳотки, кутгаларингиз сароб бўлиб чиққан бўлса?

- Сароб эмасди, ўша билганларим, кўрганларим ҳақиқат эканлиги мени қийнарди-да.

- Яъни...

- Ҳамма ҳавас қилгудек, тўй-томошадан кейин ўзимиз алоҳида яшай бошладик. Орадан уч ой ўтгач эрим Англияга ишга жўнаб кетди. Мен эса келинлик хизматларини бажариб юравердим. Асроржон кун оралаб телефон қилиб турарди. Кейин қайнотам билан қайнонам мени унинг олдига жўнатишга ҳозирлик кўра бошлашди. Мен қувонч билан бу ҳақда ҳаммага айтиб чиқардим. Уйларни тозалаётиб эримнинг чўнтагидан бир нечта суратлар топиб олдим. Уларнинг бирида эрим чиройли бир аёлнинг белидан қучиб турар, бир қўлида эса сочлари жингалак бир болачани кўтариб турарди.

Мен хайрон бўлдим. Уни бир четга олиб қўйдим-да, яна ишимни қилавердим. Бир пайт қайнонам кириб келди, у жуда ажойиб аёл эди. Овқат пишганини айтиб мени ошхонага бошлаётганди, кўзи столчанинг устидаги ҳалиги суратларга тушиб қолди. Сўнг:

- Болам, буларни қаердан олдингиз? - деб сўради. Мен айтдим. Унинг ранги оқариб суврат тутиб турган қўллари қалтирарди. Бирга ошхонага чиққанимизда боягина хушкайфиятда бўлган бу аёлнинг бир ҳолатга тушиб қолганини билиб ўзимни гўлликка ола бошладим. Кулиб, ҳазиллар қилдим. Шундай қилдимки гўё суврат унут бўлди. Аммо, ичимни ит тирнарди.

- Англияга кетдингизми кейин?

- Ҳа, бормасам бўлмасди-да. Кетдим. У ерда эрим мутлақо бошқа инсонга айланганди. Менга ҳамма нарсалар қизиқ туюларди. Эрим эса Роботга ўхшаб эрталаб кетар, кеч қайтарди. Мен энди бегона бу юртда сиқила бошладим. Чунки уззу-кун уйда ўтирардим. Бир байрам арафаси эрим уйимизга дўстларини чақирадиган бўлди.

- Хоссижон, бир чиройли ош дамлаб берасизда энди, анчадан буён ош емадим ўзиям,- деди. Мен ош пиширишни билмасдим. Буни Асроржонга қандай айтишни билмай йиғлаб юбордим. Эрим эса:

- Хафа бўлмагин, унда ошни Кристинага дамлатамиз. У қойил қилиб юборади буни, - деди. Мен ҳам қувониб кетдим.

Ўша куни қўлимдан келгунча дастурхонларни тузаб сабзиларни тўғраб қўйдим. Ҳамма йиғилди. Меҳмонлар келгунча эрим келди. У ёлғиз эмасди. Ёнида эса... Ўша мен уйда топиб олган суврадаги аёл турарди. Эрим қувноқлик билан уни менга таништирди. Уни кўриб очиғи аввалига тилим айланмай қолди. Бироқ, сир бой бермадим. Лекин, мени янада ажаблантирган нарса Кристинанинг менинг уйимдаги зарур бўлган нарсаларни осонлик билан топиши бўлди.

- Ўша суврат ҳақида эрингизга айтмаганмидингиз?

- Йўқ! Қайнонам арзимаган гаплар билан орангизга совуқчилик тушмасин. Ҳар нарсага сабрли бўлинг, деганди.

- Демак, эрингизга бу ҳақда билдиргингиз келмаган-да, шундайми?

- Барибир у ҳам нимадир мендан яшираётганини сеза бошладим. Орамизда нимадир дарз кетгандек эди. Шу орада ҳомиладорлигим маълум бўлди. Мен врачларнинг назоратида бўлиш учун касалхонага ётдим. Саноқсиз текширишлардан кейин эгизак фарзандлар кўришим маълум бўлди. Бу хабарни эшитган куним хурсандчиликдан ўзимни қаергa қўйишни билмай қолдим. Тезда бу хабарни Асроржонга етказгим келди. Чунки бу мусофир шаҳарда ундан бошқа яқиним ҳам йўқ эдида. Кейин тунги врачдан бир кунга жавоб сўрадим. У рози бўлиб эрталабгача рухсат берди. "Тез ёрдам" машинасида уйга жўнатди. Юрагим севинчдан ҳаприқиб бу хушхабарни тезроқ эримга етказиш учун уйга шу қадар ошиқдимки, кейинчалик бундан афсусландим.

- Нима учун?

- Чунки... Мен эшикни ўз калитим билан очиб кирдим. Уйда ҳеч ким йўқдек эди, лекин... Ошхонада эса Асроржон билан Кристина ўтиришарди. Аниқроғи эримнинг тиззасида Кристина ўтирарди. Улар менга ялт этиб қарашди. Мен югуриб ётоқхонага кирдим. Ўзимни каравотга отмоқчи эдим аммо у ерда бир болача ухлаб ётарди. Шовқиндан уйғониб йиғлай бошлади. Қарасам у ўша суврадаги кўрган болача эди. Ҳаммаси тушунарли эди... Кўз олдимда ҳамма нарса чайқала бошлади. Шундан сўнг нима бўлганини билмайман. Кўзимни очганимда касалхонада эдим. Бир неча кунгача ҳуд беҳуд бўлиб ётдим. Кейинроқ сал ўзимга кела бошладим. Уйга кетгим кела бошлади. Мени даволаётган врач эрим билан кириб келишиб инглиз тилида нималарнидир гапиришар, унинг жаҳли чиқаётганини кўриб турардим. Асроржон мендан кечирим сўради. Унга ҳомиламнинг эгизак эканлигини айтишган кўринади.

Врачдан илтимос қилиб Тошкентга, онамга қўнғироқ қилдирдим. Бир ҳафтадан кейин онам етиб келди. У билан Тошкентга қайтдим. Қайнонамникига бориб ҳамма гапни айтдим. У йиғлади. Онамникига қайтиб келиб яшай бошладим. Ўшанда йиқилиб лат еганимда, болаларимга зарар қилган экан. Яна касалхонага ётқизишди. Хуллас, не азобларда фарзандларимни туғдим. Шукр, улар дўмбоққина бўлиб ўсишаяпти. Лекин, ўзим шамдек эриб адо бўлаяпман. Кўнглим изтироблари, эримнинг мени алдаганлари... Ахир у менинг илк севгим эди, уни севардим.. Болаларим туғилгач тез-тез ўзимдан кетиб қола бошладим. Текширтиришди. Ўшанда бошим билан йиқилган эдим. Шиш пайдо бўлибди. Ва... Мени республика онкология касалликлари клиникасига ётқизишди. Уч ой даволандим. Кеча эса уйга қайтдим, аниқроғи қайтаришди. Кейинги кунларда анча яхши бўлиб қолганимни айтиб суюнчилаш учун шифокорнинг олдига киираётиб тасодифан онам билан гаплашаётган шифокорнинг сўзларини эшитиб қолгандим.

- Уч-тўрт кун болаларининг, қолаверса сизларнинг дийдорингизга тўйиб олсин. Биз ҳамма чорани қўлладик, энди буёғига сизларга сабр берсин,- дерди онамга мен меҳр қўйган шифокорим.

- Демак, сиз кеча касалхонадан қайтибсиз-да. Эрингиз буни биладими?

- Билади, у болаларим туғилганда қанча совғалар билан келди. Кечирмадим, кечира олмадим. Агар ўшанда йиқилмаганимда... Болаларимни бағримда эркалаб ўстириш бахтидан бенасиб бўлмасдим.Билмадим, неча кунлик умрим қолган. Мен ўзим ҳақимда эшитганларимни ҳечкимга билдирмадим. Биламанки, яқин орада... Шунинг учун кулиб, ҳазиллашиб онамнинг кўнглини кўтаргандек бўламан. Аммо, яқин кунларда қайтиб чиқмас ойдек ботиб кетишимни яхши биладди. Асроржон ҳам ҳар куни бизникида, бирбиридан чиройли болаларимни кўтариб олдимга олиб кириб, кечалари ёнимда ўтиради. Яшаш бунча гўзал ва ширин-а, опажон! Қани эди яна бирор йил яшаш насиб этса...

* * *

Шу аёлнинг узоқ умр кўришини мен ҳам истардим. Қани эди у эгизакларининг бахтига соғайиб кетса... Аслидаку, ҳаммамиз ҳам Оллоҳ берган умримизни яшаймиз. Ҳаётимизда афсуснадоматлар бўлмаса қанийди.Аммо, Асроржон эса бир умр хиёнатининг жабрини тортади энди. Унинг дил сўзини тугатиб нуқта қўярканман, умримизнинг гул лаҳзалари ҳар доим гулдек чиройли бўлишини истадим.

БАСИРА

Қўнғироқларингиз...

БАХТИМИЗ ОТА-ОНА ҚЎЛИДА

- Мени танлаганим бўлмиш йигит бошқа шаҳарлик,- дея сўз бошлади гўшакдаги овоз... Ота-онаси билан бирга яшайди. Тасодифан танишиб қолгандик. Шундан сўнг учрашиб юрдик, ўртада муҳаббат пайдо бўлганини сезиб қолдик. Бора-бора тез-тез учрашадиган, бўлдик. Севгининг кўзи кўр, деб шунга айтишса керак-да. Муаммо шундаки, мен тошкентликман, у жиззахлик. Менинг онам тушунган аёл. Фақат масалани ҳал қилишда отамнинг норозиликлари менинг бахтимга раҳна солиши мумкин. Узоққа келин бўлиб узатилишимга рози бўлишларига кўзим етмаяпти. Шуни ўйлаб сиқилиб кетаяпман. Уни жудаям яхши кўраман. У ҳам мени севади. Йигитнинг оиласи жуда обрўли, ўқимишли оилалардан. Ўзи ҳам шу кунларда ўқишга кириб олий маълумотли бўлиш ниятида юрибди. Бизнинг бахтимиз ота-онамиз қўлидалиги учун уларнинг маслаҳатисиз бир иш қилишга ожизмиз. Нима қилсам ўз бахтимга эришаман. Қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

- Онангиз сизни тушунар эканлар, отангизга тушунтирсинлар, ёки бўлмасам бувижонингизни ишга солинг. Қолаверса, сизнинг бу изҳорингизни газетхонлар эътиборига ҳавола қиламан. Зора уларнинг маслаҳатлари сизга асқотиб қолса. Ўз бахтингизга эришишингизда сизга омад тилайман.

* * *

Шу аснода ўз фарзандларини мустақил ҳаётга кузатиш арафасида турган ота-оналарга айтар сўзим шуки: фарзандингизнинг бахтини ўйласангиз дилларидаги гапларига қулоқ тутинг. Атрофлича ўйлаган ҳолда бир фикрга келишингизни хоҳлардим. Етти ўлчаб бир кесиш биз ўзбекларга хос ишдир. Оилалар бахти кўпроқ ота-она қўлида.

ЛАТОФАТ

ШУЪЛА ОЛОВ ЭМАС

Нигора, синглим, сизнинг "севги" деб аталмиш дил изҳорингизга бефарқ қараб тура олмадим. Мени кечиринг, аёл учун она муҳаббатидан ҳам устунроқ туйғу бормикан? Менимча йўқ.

Икки фарзандингизнинг қопқора, чақноқ кўзларига боқинг, улар ичида ўзингизни кўраси з. Демак, жажжигина юракчаларида ҳам сиз яшамоқдасиз. Юрак буйруғига ҳамиша амал қилиб яшайверсак биз кўп хатоларга йўл қўйиб қўйишимиз мумкин. Агар сиз эрингизни севмаганингизда ортингизга боқмас ва муҳаббат йўлидан қайтмас эдингиз. Не учунки юрагингиз банд, унда фарзандларингиз ва уларнинг отаси яшамоқда. У йигит севгиси эса шунчаки шуъла холос. Афсуски "шуъла олов эмас". Уни қандай ўчирай деб ўзингизни овора қилманг. Энди "оҳ-воҳ" қилиб юриш ярашмайди. Сизнинг ҳақиқий, тоза ва барча ҳавас қиладиган муҳаббатингиз олдингиздадир. Уни янчиб ўтманг, поймол этманг, аксинча жазосини топишингиз мумкин.

Ўша суд идорасидаги ошиққа эса қуйидаги дил сўзларимни айтмоқчиман. Яхши йигит! Сизнинг ҳам ҳақиқий муҳаббатингиз ҳали олдингизда. Севгилингиз баҳорнинг чиройли атиргулини қўксингизга тақиб қўяди. Бунгача эса шошилманг.

Нигора! Кўзингиз қароғи, дилингиз дардкаши бу олдингиздаги оилангиз. Муҳаббат олови сўнмас ҳароратга эга. Бас, шундай экан ўткинчи хаёлга берилиб, кўча аёлига айланиб қолманг. Она аталмиш номга доғ туширманг. Сизга самимий тилаклар йўлида қоқилмаслигингизни тилаб қоламан.

Дилбар НОРМУРОДОВА
Термиз шаҳри

«Бу оловни қандай ўчирай»-4-сон

ЭСЛАТМА: *Икки фарзандли бўлганимда бошимга оғир савдо тушди. Арзимаган сабаб туфайли турмуш ўртоғим билан ажрашадиган бўлдик. Иш судгача бориб етди. Мен суд идорасида ишлайдиган бир йигитни севиб қолдим. Энди нима қиламан?*
НИГОРА

* * *

Нигора опа! Аввало, севиб қолган йигитингиз олийжаноб инсон деб аташга арзигулик экан. Эрингиз бу воқеаларни кўрган, билиб турган. Вақти келиб, ноҳақ эканлигини англаб етгач, олдингизга қайтиб келиб, ҳозирда бирга яшаётган экансизлар. Сизларга бахту саодат тилайман.

Нигора опа, куёвингиз англаб етган ҳақиқатдан юз ўгирманг. Сиз ҳам бир кун қилаётган ишингиз тўғри ё нотўғри эканлигини тушуниб етасиз. Агар сиз "Оила ва жамият"имиздаги Турсуной Содиқованинг айтар сўзларини ўзингиз, фарзандларингиз, оилангиз учун, ҳар сонини олдингизга олиб ёд олсангиз фойдадан ҳали бўлмасди. Албатта сиз саодат соҳиларига етиб боргайсиз, иншоллоҳ. Ўзингиздан 4 ёш кичик севгилингизни бир умр севиб яшанг, фақат опалик меҳри билан. Тилагим — ҳунук гаплардан йироқ юринг.

АКМАЛЖОН
Андижон

* * *

Тошкентлик синглим Нигора! Хатингизни ўқиб, бу оддий ҳол эмаслигига иқрор бўлдим. Эринг билан орангизда гап ўтиб, аразлашиб қолибсан. Ҳатто ажралиш ниятида бўлиб, судга ариза ҳам берибсизлар. Суд уч ой муҳлат берибди. Яхшиям эринг инсофга келиб, ярашаман, деб ўзи илтимос қилибди. Икки гўдак туфайли яна эринг билан ярашибсан. Оиланг тикланибди. Энди, сен уч ой муҳлат ичида судда ишлайдиган, сендан 4 ёш кичик йигитни "севиб" қолибсан. Бу "севги" ўткинчи севги. Чунки оиланг бор, бошингда эринг бор. Эринг билан аҳиллашиб яшар экансан. "Ўша йигитни севиб қолдим. Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам, фақат уни кўриб чиқаман. Эртаю-кеч уни ўйлайдиган бўлиб қолдим", - деб ёзибсан. Инсоннинг бошига не ташвишлар, не савдолар тушмайди. Буни енгишда одам иродали бўлиши керак. Севги васвасасидан қутулиш учун бўш вақтда газета ёки китоб ўқиш керак. "Ҳатто кавосал бўлиб, даволаниб ҳам чиқдим", деб ёзибсан. Ҳар куни ҳеч эринмай 10-15 минут бадантарбия машқларини бажарилса, одам бардам, тетик бўлади, юрак яхши ишлайди. Бу саломатлик учун фойдалидир. "Мен қандай йўл тутишим керак?" дебсан. Менинг маслаҳатим. Бир ўткинчи "севги" ҳақида ўйламай, оилангни, икки фарзандингни ўйласанг, уларнинг камолини ўйласанг, ўстириб, катта қилсам, уларнинг орзу ҳавасини кўрсам, келин кўрсам, қайнона бўлсам деб ширин хаёллар сўрсанг, "бекорчи гап"лар совун кўпигидек йўқ бўлиб кетади. "Олов"нинг кучи кетиб аста ўчади.

Юнус ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси
Тошкент шаҳри
Чилонзор тумани

Акс-садо

ВАҚТ ДАВОЛАЙДИ

«Қалбимда илон сақлаган эканман»-6-сон

ЭСЛАТМА: *Келинлик даври менга насиб этмади. Чунки шу куни меҳрибон онаизоримдан айрилиб қолдик. Ўшанда мени кўрсангиз эди, икки хил қиёфада юрар эдим. Уйда келинлик либосимда кўчада эса кўзимда ёш, бошимда қора рўмол.*
Нигора ВАЛИХЎЖАЕВА

Нигорахон, кексалар камолга етаётган қизни кўриб: "Бахтини берсину ўрнини топсин", дея бежиз айтишмас экан-да! Сиз бечорагина ўрнингизни топмай, бир гуруҳ "сассиқ алафлар" ичига тушиб қолибсиз, аттанг.

Ҳаёт рулини аёл қўлига олса, аввало, оила тотувлигидан путур кетади ва ўша хонадондаги эркак ҳам бачканалашиб жанжал ўчоғига ўт қалайдиган бўлиб қолади. Бунга ишонмасангиз, Нигорахоннинг тушган хонадонидаги аёл табиат эркакнинг қилган ишига қулоқ тутинг-а: "2 ойдан сўнг холам олиб бориб қўйсалар, қайнотам ҳайдаб юбордилар. Ундан сўнг маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси борди, уларни ҳам ҳайдаб юбордилар. Биз эрим билан яширинча учрашиб юрдик"...

Гапингизга қараганда, эрингизнинг сизга муносабатлари яхши бўлиб ота-онаси таъсирига берилганда кескин ўзгараркан. Бундайларни элимизда "калтакесак"ка ўхшатишади.

Киши билмас (эрталаб наҳорга ош, кечқурун кафеда базм қилиб) пинхона уйланиб олган куёв бола Нигорага ёлғончилик қилибди. Тўйдан 2 кун кейин ота уйига телефон қилиб 6 яшар ўғлини сўрабди. Шунда трубкани Нигора олиб: "Нега ўғлингизни олдига келмадингиз, бугун паркка олиб бормоқчийдингиз-ку" деса: "Мени мазам йўқ, ошқозоним оғриятти, тузалсам, бораман", - дея ёлғонлабди. Бундай эркакнинг "Косаси оқармайди". Сиз - Нигорахон ундан мурувват кутиб олдидан ҳам, орқасидан ҳам "сиз-сиз"лаб ардоқлаб ўтирибсиз.

Қайнонангиз эса онаизорингиз тўйингиз тугамай оламни тарк этиб йўқликка рихлат қилсалар, сизни юпатиб бағриларига олиш, меҳр бериш ўрнига адангизни чақириб: "Ўй кўрар қилиб келмадинглар, ўшани нарсаларини бешик тўйига қўшиб олиб келасизлар", - депти. Шундай молпараст қайноналар элимизга номуносиб.

Ўша беюз қайнона "Хотин йўлда, она топилмайди", - дебди. Ўзлигини биринчи ўринга қўядиган оналардан чиқса керак бундай бебурд гаплар.

Муштарийлардан маслаҳат сўраган Нигорахон, "ўтирган қиз ўрнини топар" дейилганидек, 28 ёшингизда уй қилиб, ўрнингизни топиш ўрнига маҳалла фаоллари ҳам аралашиб олиб бориб қўйгани билан жанжалдан бошингиз чиқмабди.

Сизни вақт даволайди: "Эримга нисбатан юрагим ҳам музлади", дебсиз. Йиғини бас қилингда, ишга кириб овуниб, ўғлингизнинг тарбияси билан шуғулланинг, унинг камолини кўриб қувонинг, садқаи кўз ёшларингиз кетсин. Оллоҳим нурамайдиган бахт ато этсин сизга. Отажонингиз ҳам сизнинг бир гапириб ўн кулиб юрганингизни кўриб юпаниб, фалокатингиз ариганидан қувониб яшасинлар.

Афифа ҲАСАН қизи

СЕВГИ МАСОФА ТАНЛАМАЙДИ

«У менинг дўстим, севгилим эмас»-4-сон

ЭСЛАТМА: *Б. исмли йигит билан телефон орқали гаплашиб, дўстлашиб қолдим. У тез-тез қўнғироқ қилар ва биз дўстларча суҳбатлашар эдик. Учрашувга таклиф қилди, "Учрашувга ҳожат йўқ, ахир биз фақат дўстмиз-ку", - дедим.*
МАДИНАБОНУ

Мадинабону, севги шундай нарсаки, уни қўл билан тутиб, кўз билан кўриб ҳам бўлмайди. Уни фақат ҳис қилиш мумкин. Севги масофа танламайдиган туйғудир. Сизга дўстларча маслаҳатим, ота-онангизнинг кўнглига йўл топа олсангиз улар ўз жигарбандининг бахтига тўғаноқ бўлишмайди. Масофа узоқлиги бу ерда муҳаббатларингизнинг армонга айлантиришга асос бўла олмайди. Б. билан бахтли бўлиш учун жуда яқин турибсиз.

Ҳозирги вақтда сизнинг бир тўхтамга келишингиз келажак ҳаётингиз учун жуда муҳим. Зеро, ҳақиқий муҳаббат асосига қурилган оила, агар у ҳаётнинг турли хил синовларига дош берса ҳеч қачон бахтсиз бўлмайди. Б.нинг севгиси чин бўлса, келажакда сизни сўз билан таърифлаб бўлмас бахтли онлар кутиб турибди.

Сиз унга ҳам осон тутманг, севги асири бўлган киши учун муҳими шу севги бағрида севгилиси билан бахтли бўлишдан муҳимроқ нарсанинг, муаммонинг ўзи йўқ.

Ажаб эмас, у йигитнинг ҳам кўнглида шу ҳислар ечаётган бўлса. У ҳаётини, келажагини мазмунли ўлишини фақат сиз бизан тасаввур қилади.

Маҳсуд РАҲМОНОВ
Оққўрғон

* * *

Мадинабону, синглим, илтимос, дўстингизнинг кўнглини ранжитманг. Нима, дўстни севиш гуноҳми? Ахир дўстда ҳам юрак бор-ку?! Дунёда йигит ранжимасин, йигитнинг кўнгли чўксa, унинг дунёси қулайди. Осмонида қора булутлар ҳукмронлик қилади.Ҳаёти остин-устун бўлади. Лекин кўнгил синса, умрбод уни ўз ҳолига келтириб бўлмайди. Инсон кўзига кўринмас, қўлга илинмас, бироқ уни бошқариб турадиган, етаклайдиган ва руҳлантирадиган, руҳият сели билан омухта қудратли бир омил борки, у кўнгилдир. Кўнгил кўчасига кирдингми, чиқиш қийин. Мадинабону, кейин армонда яшайсиз. Менинг ҳам телефон орқали танишган бир дўстим бор. Биз учрашмаймиз, фақат телефонда гаплашамиз. Вақт ўтиб мен уни севиб қолдим. Лекин унинг ўз суйган гули бор экан. Мен бировнинг боғига рухсатсиз кириб қолганга ўхшадим... Ва тез орада ўзимни қўлга олдим. Мадинабону, ота-онангизни рози қилиш сизнинг қўлингизда, "эрим севди-элим севди", деган мақол бор. Дарахт қурийди, тош емирилади, одам қуникади. Дўстингиз ҳам кўникиб бошқага уйланиши мумкин. Дўстингизга айтадиган гапим: майли, қийналсангиз ҳам севгингиз учун курашинг. Меҳнат қилиб топилган нон мазалироқ ва тотлироқ бўлади, унутманг!

Нигора ЗАРИПОВА
Бухоро вилояти
Пешку тумани

ХИЁНАТЛАР АРМОНЛАР БЎЛМАСИН

«Мунису мушфиқ эди»-6-сон

ЭСЛАТМА: *Мени илк бор муҳаббат гулшанига олиб кириб, севиш ва севилиш бахтига насиб этган, салкам 40 йил бир ёстиққа бош қўйиб, ниҳоят мени тақдирга тан беришга ундаб, ўзи фоний дунёни ташлаб боқий дунёга рихлат қилган меҳрибоним, умр йўлдошим Хожарбибидир.*
Аслиддин ҚАМАРЗОДА
Самарқанд

Ҳурматли ва азиз Аслиддин ака! Сизга ҳавас қилдим. Сизнинг меҳру муҳаббатли, вафодору содиқлигингиз кўпларга сабоқ бўлса ажаб эмас. Оналик бахт, болалик - тахт дейишади. Аёлингизга оналик бахти насиб этмаган бўлса-да, барибир улар бахтли аёлдирлар. Чунки ўзбек халқида туққан эмас, боққан ҳисоб дейишади. Бир қиз, бир ўғилни ўз бағирларингга олиб уларга ота-оналик қилиб, қалби ярим мурғак гўдакларни барча қийинчиликларига сабру бардош билан чидаб вояга етказган азизларим, сизларга тасаннолар айтаман. Чунки бировни боласини олиб боқиб вояга етказиб, уйли-жойли қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳозирги вақтда ўзлари туққан фарзандларини ташлаб кетаётган аёллар баъзан учраб туради.

Аёлингизнинг доно-ю оқилаликларини қарангки, "Азизим, малол келмаса, сизга бир гап айтаман: сиз бошқага уйланинг", - деб айтибдилар. Шу сўзларни ўқиганимда кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ўзимни тутолмадим. Эрларини хиёнатда айблаб (ҳали кўрмасдан-билмасдан туриб) ажралиб кетаётган, болаларини етим қилаётган баъзи аёллар ушбу мақолани ўқиб чиқсинлар.

Бирга яшаб турган ўз ёстиқдошига ўзга аёлни раво кўрган Хожар биби онамизнинг илоҳим жойлари жаннатдан бўлсин. Гўрлари нурга тўлсин!

Аслиддин ака, сизга ва фарзандларингизга сабру қаноат, соғлик-омонлик, тинчлик-хотиржамлик тилаган ҳолда, дунёдаги барча эркаклар сиз каби қалби-юраги пок бўлиб ўз аёлларига-оилаларига садоқатли бўлишларини истардим. Ҳеч бир хонадонда бевақт йўқотишлар, хиёнатлар, армонлар бўлмасин!

ГУЛЧЕҲРА
Тошкент шаҳри

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР, ЭЪЛОНЛАР!

Ҳурматли ЭРГАШ ака!
50 - ёшга тўлишингиз қутлуғ бўлсин! Оилангизга бош бўлиб, узоқ умр кўриб юринг.
Дўстингиз Иброҳим

Ҳурматли ЗУЛХУМОР опа!
Сизни 40 баҳорингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Бахт-саодат, гўзаллик, шоду хуррамлик, чеҳрангиздан кулгу, табассум аримасин. Хонадонингизни файзу барака ҳеч қачон тарк этмасин.
Жўрахўжа, Шаҳзодахон, Жамолхон, Жалолхон ва Абдуманноплар

Отажонимиз Акбарали ВОҲИДОВ!
Сизни 40 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Ҳаётингиз бахту-саодатга тўлиқ бўлсин.
Яқинларингиз

МУБОРАКХОН!
Сени Наврўз байрами ва туғилган кунинг билан қизғин табриклаймиз. Фарзандларингни камолини кўриб юришингга тилакдошмиз.
Қариндошларинг ва ота-онанг номидан Мавлуда опанг

Суюкли жиянларим ҲАСАН ва ЗУХРА!
Сизларни туғилган кунингиз билан дилдан табриклаймиз. Ўқишларингда омад ва зафарлар тилаймиз.
Холанг Роза, амманг Саломат
Ўртачирчиқ тумани

Неварамиз УМИДАХОН!
Таваллуд кунинг, 4 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Ақлли, одобли қиз бўлиб улғайгин.
Яқинларинг

Ҳурматли Жамилахон БОЙМУРОДОВА!
Азизим Ҳ. яқинда сен билан қанчалар бахтли эдим. Энди эса айрилиқ, ҳижрон азобидаман. Севгимиз шунчалар қисқа бўлади деб ҳеч ўйламагандим. Нега ундай қилдинг. Ахир сенга ишонгандим-ку! Балки сенга сен истаган барча нарсани беролмагандирман. Аммо сенга соф ва тиниқ муҳаббатимни бердим. Наҳот шуни қадрига етмадинг. Ўша куни сен нақ юзимга қараб, холанг олдида ёлғон гапирдинг. Ўша вақт сенинг бир оғиз сўзинг билан ҳам бахтли, ҳам бахтсиз бўлардим. Аммо сен менга бахтдан кўра бахтсиз бўлишимни раво кўрдинг. Ахир, айбим нима? Гуноҳим нима? Мен сенга чин дилдан ишонгандим. Афсус, қалбинг тубида муҳаббат анҳорлари саёзлигини кеч билдим. Сен хиёнаткор дунёнинг хиёнатига қўл урдинг. Мени, менинг севгимни топтадинг. Мени хўрладинг. Сени сўнгги бор Азизим деяпман.

Азизим Х. иложимиз қанча, тақдир бизни учраштирди, аммо бирлаштирмади. Нима бўлганда ҳам, бахтиёрлигингни кўриш мен учун катта бахт.

МАЛИКА

Термиз шаҳри

ЛАВЛАГИ

Лавлаги саноат (озиқ-овқат)да кенг қўлланилади. Шакар олишда асосий хом-ашё ҳисобланади. Лавлаги халқ табобатида қадимдан ишлатилиб келинади. Янги сиқиб олинган шираси камқонликда, ўпка шамоллашида, бронхит, сил, қон босими ошганда, буйрак хасталикларида яхши наф келтиради.

Қон босими ошиши хасталигида янги шираси 200 граммдан 3 марта кунига таомдан кейин 4 кун мобайнида ичилади. Лавлагининг илдиз меваси ширасини асл асал билан аралаштириб (тенг миқдорда) ярим стакандан кунига 3 маҳал камқонликда тавсия этилади. Лавлаги мураббоси сурги дори сифатида ва пешоб ҳайдовчи тариқасида эм бўлади. Бўтқаси яраларда, хўппозда, тери куйганда фойдалидир. Лавлаги ширасининг тиббий сафро билан аралашмаси бурунга томизилса, юз нерви (асаб) паралличига даво бўлади. Ширасси билан бош ювилса, сочдаги кепакни йўқотади. Лавлаги илдизидан кристалл модда-ацидел ажратиб олинган. Бу гастрит хасталигида ажойиб малҳам бўлади. Шишларни олдини олиш ва тўхтатиш хосияти бор. Сувли дамламаси ўт (сафро) ҳайдовчи сифатида жигар хасталикларида тавсия этилади. Танада модда алмашинувини яхшилайди, чиқиндилардан тозалайди.

ТУРП

Турп билан асал аралашмаси ҳар хил жароҳат ва яраларга малҳам ҳисобланади. Турп қизамиқ, бронхит, ўпка сили касалликларини даволашда ҳам ишлатилади. Турп шарбатини оғриқ қолдирувчи сифатида ревматизм, подагра, мушакларнинг, нерв толаларининг шамоллашида бадангa суртиш тавсия қилинар экан.

Турп шарбатини тайёрлаш учун 3 ош қошиқ турп шарбати, 2 ош қошиқ асал, 1 ош қошиқ спирт (40%ли) ва бир ош қошиқ миқдорида ош тузи қўшилиши лозим бўлади.

Лавлаги турп ва сабзи шарбатлари тенг миқдорда қора шишага солиниб, оғзи яхшилаб ёпилгач, устидан ҳамир ёпиштирилади ва 3 соат давомида духовкага қўйилади.

Ҳосил бўлган аралашмадан кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан овқатланишдан олдин истеъмол қилинса камқонликка даво бўлади. Бу даволаш усулини эринмай 3 ой давом эттирсангиз шифо топасиз.

"ЕР ОЛМАСИ"

"Ер олмаси" дегани бу сабзавот-мева, ҳозирги кундалик овқатларимиздан кенг истеъмол этилаётган картошкадир. Ҳозирги пайтда картошканинг минг тури бор. Туганаги таркибида сув, оқсиллари, глюкоза, фруктоза, сахароза, органик кислоталар кўпдаб дармондорилар бор.

Картошка туганагида яна 30 хил элемент мавжуд бўлиб, у мазали, юқори калорияли, жуда фойдали сабзавот ҳисобланади. Ундан турли таомлар тайёрланади. Саноатда эса крахмал, фотоплёнка, пластмасса, ёпиштирувчи модда, қанд, сут кислотаси, ацетон сингари 200 хил маҳсулот олинади.

Халқ табобатида картошкани хомлигича тери куйганда, экзема хасталигида қўйилади. У қайнатилиб, буғидан нафас олинса, - ларингит, фарингит, тумов каби хасталикларга даво бўлади.

Янги картошканинг ширасси ошқозон ширасини нормал ҳолатга келтиради. Сут, қаймоқ билан аралашмаси эса, тери ёрилганда яхши наф келтиради. Таркибида калий элементи бўлгани учун юрак ва буйрак хасталикларига чалинган беморларга картошкадан тайёрланган омлар пархез сифатида ишлатилади. Гули ҳам шифобахшдир. Ундан тайёрланган дамлама қон босимини туширади ва нафас олишни кўзғатади.

Мўъжизакор картошка зажарга қарши ҳам қўлланилади. Лотин Америкасидаги қариялари энг сўнгги модадаги дори-дармонларга ишонмай, эски усулларга мурожаат қилишади, улар бош оғриганда картошкани кесиб, унинг бўлакларини пешоналарига босадилар.

САБЗИ-ҒИЗО, ЯНА ЎЗИ... ШИФО

Сабзининг ёввойи ва экиладигани (ўстириладиган) турлари мавжуд. Ёввойи тури ингичка бўлиб, ўқ илдизи билан хонакисидан фарқланади.

Табобатда ёввойи сабзининг фақат меваси, баъзан эса уруғи қўлланилади.

Меваси таркибида эфир мойи, ёғ, флавонидлар ва ўн бир хил микроэлементлар бўлади. Уруғи ингичка ичак оғриқларини босади, сийдик ҳайдайди.

Шуниси диққатга сазоворки, ёввойи сабзи уруғининг суюқ экстракти уролесан таркибига киради. Бу янги дори препарати бўлиб буйрак тош ва ўт тош хасталикларида, диатез, ўткир ва сурункали пиолонефрит, холесцистит каби касалликларга даво қилишда яхши самара беради.

Кишилар истеъмол қиладиган сабзи халқ табобатида азалдан рак касаллигида шифо сифатида ишлатилиб келинган.

Абу Али ибн Сино сабзи илдиз мевасини ичак оғриғи, сурункали йўтал ва плеврит хасталикларида тавсия қилган. Унинг саримсоқпиёз ва зайтун билан қўшиб пиширилгани қоринда сув йиғилганда яхши наф беради. Илдиз меваси шарбати ёки сабзининг сутда қайнатилгани овоз чиқмай қолганда, буйрак-тош, организмда дармондори етишмаслиги касалликларида, камқонликда, кўз ҳиралашганда, эпителий тўқимасида дистрофик ўзгаришлар бўлганда, жигар заифлашганда шифо бўлади.

Сабзининг янги тайёрланган шарбати буйрак, ўт-тош хасталикларда наҳорга 100-200 гр. дан ичишга буюрилади. Унинг бир пиёла янги шарбатига бир неча қошиқ асал қўшилади ва бронхит, ларингит касалликларида кунига 4-5 маҳал ичилади. Эрталабки нонуштада болаларга олма, қаймоқ ва бир пиёла сут билан сабзи бериш уларнинг соғлигини мустаҳкамлайди.

Замонавий тиббиётда сабзи уруғидан даукарин препарати олинган. Бу дори спазмолитик таъсирига эга, тож томирларни кенгайтиради, стенокардия (кўкрак қисишида) паришонхотирликда, бронхиал астмада қўлланади.

ЮРАККА ДАЛДА, БИЛАККА МАДАД...

Халқ табобатида жамбил жуда қадимдан буён ишлатилади.

Жамбилдан тайёрланган қайнатма меъда фаолиятини яхшилайди, кўкрак оғриқларида, йўталда, уйқусизликда ишлатилади. Ташқи муолажа сифатида модда алмашинуви бузилишига алоҳида хасталикларда обзан (ванна) кўринишида қабул этилади. Ўсимлик кукуни хуш кетганда, лохасликда бардамлик бағишлайди. Қайнатма билан оғиз чайилса, милкнинг яллиғланишига даво бўлади. Зотилжамда, меъда, ўн икки бармоқ ичак, тасмали гижжани ҳайдашда фойда берувчи дори бўлиб, синалган халқ дастурларидан ҳисобланади. Бунинг учун 10гр қуритилган жамбил ўтидан олиниб, 200гр қайноқ сув билан ярим соат дамлаб қўйилади. Сўнгра дамлама сузилиб, шарбатидан кунига бир ош қошиқдан 4-5 маҳал ичилади. Дамламаси ичбуруғда, қорин дамланишида, юрак ҳаприқишида, пешоб ва ел ҳайдовчи восита тариқасида қўлланилади.

У ўзининг шифобахш хусусиятлари билан илмий тиббиётда ҳам қадрланади. Саноат миқёсида ишлаб чиқарилувчи "пертусин" деган дори шунга яққол мисол бўла олади. Бу дори шамоллаганда йўтал қолдирувчи яхши воситалардан. Жамбилдан олинадиган қиём эфир мойи, тимол антисептик, яхши дезинфекцияловчи дори ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак, жамбил саноатда сабзавотлар, гўшт, балиқ консервалари, колбасалар тайёрлашда ишлатилади. Шунингдек, атир-упа саноатида ҳам аҳамиятга моликдир.

ЕСАНГ ЛИМОН ОЛАСАН ДАРМОН

Лимон ўсимлиги витаминларга бой.

Бу мева халқ табобатида қон босими кўтарилган ҳолларда уни пасайтирувчи сифатида ишлатилади.

Лимон шарбати безгак билан оғриган беморнинг иситмасини туширишда, чанқоғини қондиришда ёрдам беради. Ошқозоничак касалликларида, организмда минерал тузларнинг алмашинуви бузилганида ҳам лимон истеъмол қилинади. Ангина, фарингит касалликларини даволаш, меъдани тозалашда фойдалидир.

Лимоннинг сиқиб олинган суви рангни тоза қилиб, сепкилни кетказади. Қайнатмаси оғиз ҳидланишини йўқотиб, семиртиради. Қобиғини оғизда тутиб турилса ҳам нохуш ҳидлар йўқолади.

Лимондан сиқиб олинган сувни темираткига суртиш фойдалидир. Кўзга суртилганида эса ундаги сариқни кетказади, хафа-қонни босади. Сафро, қусишни тўхтатиб, иштахани очади.

Лимон қобиғидан олинган ёғ асабнинг бўшашиши, фалажга фойда қилади. Ундан озиқ-овқат, парфюмерия ҳамда фармацевтика саноатида кенг фойдаланилади.

Ўсимлик япроғи меъда ва ички аъзоларни кучли қилади. Қобиғи доривор сифатида овқатга солинса ҳазмга ёрдам беради. Шуни ҳам унутмангки, лимон қобиғи кийим-кечакларни куядан сақлайди.

Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларида, боғлар, катта тошлар панасидаги соя жойларида учрайдиган лимонўт баргидан тайёрланган дамлама ҳам ошқозон, юрак касалликларини даволашда ёрдам беради. Ҳазмни яхшилаш, ҳиқичоқда ҳам фойдаси катта. Оғиз ҳидланишини бартараф этишда ҳам лимонўтнинг фойдаси беқиёсдир.

ШОЛҒОМНИНГ ШАРОФАТИ

Шолғом ҳамма жойда ўсади, лекин ҳавоси салқинроқ жойларда экилса тахирлиги йўқ, шакли ҳам ҳандалакдек катта, ширин, бир қайнашда сариёғдек мулойим бўлиб пишадиган тарзда етилади. Уни қўрга кўмиб еса ҳам бўлади. Айниқса, шамоллаганда дори сифатида истеъмол қилишса фойдаси яхши бўлади. Ўзбекистон шароитида шолғомнинг оқ, қизил, сариқ хиллари кузда етиштирилади. Улар тахирроқ бўлиб, кўпинча ёғли гўштли шўрваларга солиб пиширилса жуда мазали бўлади. Бундай шўрва шамоллаш ва грипп касалларига жуда яхши даводир. Абу Али ибн Сино ҳам шолғомнининг фойдаси ҳақида шундай деганлар: "Ҳар қандай шолғомнинг энг яхшиси - семиз гўшт билан қайнатилганидир... Семиз гўшт билан пиширилган шолғом кўракни ва томоқни юмшатади, шунингдек кучли озуқа бўлади. Шолғомнинг қайнатмаси бод касали яъни бўғинларининг зирқираб оғришига қарши яхши восита бўлиб, ҳатто оғриган жойга боғланса оғриғини олади. Кўзга фойда қилади", - дейди.

Ушбу неъматнинг шифолиги тўғрисида қадимда Хасрат исмли табиб ҳам ўзининг "Хусайн туҳфаси" номли тиббий китобида қуйидагиларни ёзиб қолдирган:

Иссиқ бўлар шолғом ким еса такрор,
Кўрлар шолғом есин, деган масал бор
Чунки у кўрларга беради қувват,
Хому пишиғида бор шундай хислат.
Шишганда совуқдан кўл ва оёқ,
Наф қилади шолғом суркалгани чоқ.

Табобат китобларида ёзишича Заҳириддин Муҳаммад Бобур саройида табиблик вазифасини ўтаган Юсуф ал Хиравий ҳам шолғом ҳақида қуйидагича ёзган экан.

Шолғом уруғини туйиб-майдалаб,
Асал билан қўшиб қилсанг истеъмол
Ичингни юмшатар, захрини кесар,
Белингни баққуват ўнглайди дарҳол.

ПИЁЗ-САЛОМАТЛИККА ПОЁНДОЗ

Пиёзнинг 400га яқин тури бўлиб диёримизда кенг тарқалган. Унинг шифобахшлиги қарийиб тўрт минг йиллар муқаддам шарқ мамлакатларига аён эди. Уруғи доғни кетказади. Туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни қўпоради, сувли чиркин яраларга фойда қилади. Қулоқ шанғиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлишида қулоққа томизилади.

Пиёз ичак ўқтин-ўқтин оғриганда, сариқ касаллигида, колит, қабзият, атеросклероз хасталикларида, гижжаларни туширишда фойдаланиб келинган.

Бир нарса хотирамдан сира кўтарилмайди. Қўшнимизнинг икки ойлик қизчаси бошида яра пайдо бўлиб, анча вақтгача тузалмади. Тиббиёт ожизлик қилди, шифокор ҳаракати зое кетди. Меҳригиё опанинг елиб-югуриши, барча ҳаракатлари беҳуда кетарди. Йиринглар болага азоб берарди. Айрим кишилар: "Энди у тузалмайди. Тузалса ҳам кал бўлади, қиз болага бу катта доғ", - дейишди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қизча икки ёшга қадам қуйганда, ҳовлида барқ уриб ўсаётган пиёзнинг баргини узиб, ея бошлади. Кўк пиёзни шундай иштиёқ билан ер эдики, уни шамоллаганда тўғралган пиёзни косага солиб, устига энгашилади ва бошга рўмол ёпиб туриб, ўн дақиқа давомида чуқур нафас олинади.

Пиёз вужудимизда қанд миқдорини камайтиради. Буғда пиширилган ёки қўрга кўмилган пиёз чипқонни етилтиради. Майдаланган пиёз чакка ва манглайга қўйилса, бош оғриғи қолади.

Қадоқдан халос бўлиш учун ошхона сиркаси қўшиб қайнатилган пиёз билан артилади. Барглари барра пиёз иштаҳа очади. Соч тўкилишидан асрайди.

Булғорлик олимлар фикрига кўра, тумов, гриппда барра пиёз шарбати билан намланган пилик бурун катакларига қўйилса, яхши самара беради. Кўк пиёзни кўп еб ҳам бўлмайди: меъда-ичак йўли, жигар ва буйрак фаолияти суст бўлган кишиларга нохуш таъсир этади.

Саҳифани доришунос М. МИРЗАШАРИПОВ, А. НАРЗИҚУЛОВА, Н. РАСУЛМУҲАМЕДОВА, Ч. МЕЛИҚЎЗИЕВА тайёрлади

ДАЗМОЛНИ ҚАНДАЙ ИШЛАТИШ КЕРАК?

Ҳар қандай кийимни тез ва яхши дазмоллаш учун, албатта у қандай матодан тикилганига эътибор беринг ва бизнинг маслаҳатимиздан фойдаланинг.

● Шим қирраси узоқ сақланиб турсин десангиз, сирка аралаштирилган сувга латтани ҳўллаб, қуригунча дазмолланг, кейин қалин, нам қоғоз билан устидан яна бир бор юргизиб юборинг. Шимни дазмоллашдан олдин қиррасини қуруқ совун билан ҳам суртиб чиқсангиз бўлади.

● Либосингизга гул тикилган бўлса, юмшоқ чойшабга қўйиб, тескари томонидан дазмолланг. Агар дазмолингиз оғир бўлса, кўйлак гулларини бўртиб чиқаради.

● Кимхоб матоли буюмларни илиқ дазмолда тескарисидан қилиб дазмолланг. Ўнг томони туклари-ни юмшоқ чўтка билан ишқалаб юборинг.

● Жунли буюмларни нам латтада тескарисидан 165°С-190°С ҳароратда дазмолланган маъқул.

● Жунли ва жун трикотажларни дазмоллашнинг яна бир усули бор: либосни қайноқ сув солинган тоғора тепасига илгичда осиб қўйинг. Сувдан кўтарилган буғ кийимингизни дазмолдек текислаб қўяди.

● Пахта ва зиғирпоясидан тайёрланган либосни сал намлигида дазмоллаган маъқул. Пахта учун дазмол ҳарорати 190-210°С, зиғирпоя учун 210-230°С бўлиши керак. Бундай матоларни ўнгидан ҳам, тескарисидан ҳам дазмолласа бўлади.

● Крахмалланган буюмлар намлигида дазмолланади. Дазмол унча иссиқ бўлмаслиги керак - 150°Сдан ошмасин.

● Вискоза сунъий толасидан тайёрланган буюмлар фақат қуруқ ҳолда 115-140°С ҳароратдан ошмаган иссиқликда дазмолланади: таркибида ацетат бўлган матоларда доғ пайдо бўлиб қолмасин десангиз, ҳарорати 120°Сдан ошмаган ҳолда дазмол қилинг.

● Табиий шойидан тикилган либослар сал намланиб дазмолланади. Нурсиз шойи тескарисидан ялтирайдиган ўнг томонидан дазмол урилади. Иссиқлик даражасини 140-165°Сдан ошириб юборманг.

● Агарда ипакли буюм дазмоллаш олдидан жуда қуриб кетган бўлса, сув пуркамай, буғда бироз ушлаб туринг.

● Шойи газлама устида ғижимлар пайдо бўлган бўлса, унинг тескари томонини (2-3)% сирка билан намлаб олинг ва дазмоллашда ҳам тескари ҳолатда бўлсин.

● Либосингиз тўр қўшиб тикилган бўлса, уни бир неча қават қилиб тахланган юмшоқ чойшаб устида оқ мато қўйиб, унча исиб кетмаган дазмолда дазмолланг.

ҚОМАТИМ - ЗИЙНАТИМ

Боланинг гавда тузилиши, қомати, соғлом ва бенуқсон ўсиши оилада, мактабгача бўлган муассасада ва мактабда қандай эътибор берилаётгани билан боғлиқдир. Афсуски, камдан-кам оилалар бунга эътибор берадилар. Ҳатто ўзига тўқ хонадонларда ҳам стол ва стуллар катталарга мўлжалланган бўлади.- Шуниси қизиқки, ҳатто энг моҳир педагоглар ҳам бунга жиддий муаммо, деб қарамайдилар, бинобарин айни мактабда гавданинг патологик ўзгариши рўй беради, умуртқа суягининг қийшиқ ёки тўғри шаклланиши бошланади. Афсуски, махсус текислик билан, бел ва оёқлар учун тиргаги бор парталар йўқ бўлиб кетяпти. Кўп ҳолларда 1 ва 5-синфда ўқувчилар учун бир хилдаги стол ва стуллар қўйилади. Баланд стул болага оёқларини дам олдириш учун ерга теккизишга имкон бермайди. Ва натижада тиргаксиз қолган гавда бор оғирлигини умуртқа поғонасига ташлайди. Гавданинг дамба-бадам ўзгариб туриши унинг букилиб, елканинг чиқиб қолишига сабабчи бўлади.

Таянч ва тиргаксиз белнинг [illegible]оза қисми доимо эзилган [illegible] ҳолатда бўладики бу оёқ [illegible] ва тос суягининг нотўғ[illegible]ри ўсиши, модда алма[illegible]шинувлари бузилиши [illegible] оқибатида қон томирлари ва бўғинларнинг касалликка чалинишига олиб келади.

Боланинг бўйига мос [illegible]лмаган пастак стул ҳам [illegible]ининг тос суягидан юқорида қўйиб ўтириш мажбур бўлганидан қуйи кўкрак қафасининг нотўғри шаклланишига олиб келади. Кўп ҳолларда стули пастлигидан бола оёқларини буккан ҳолда олдига йиғиб олади. Бу умуртқа бўғинларининг нотўғри, қийшиқ бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Ўқувчининг дарс тайёрлайдиган столига ҳам эътибор бериш лозим. Столнинг керагидан ортиқ баландда бўлиши тирсакни иложи борича юқорига қўйишга мажбур этади ва оқибатда яна умуртқа суягига зўр келади.

Стол аксинча жуда паст бўлса, бола муттасил бошини эгиб дарс қилишига тўғри келади ва оқибатда бўйин ва елка мушакларга оғирлик тушаверганидан гавда букчайиб боради. Кўпинча стол узра ярим ётган ҳолда дарс тайёрлаш елканинг кенглигида нуқсонлар пайдо қилиб, бунинг орқасидан яна кўп касаллар орттириб олиш мумкин.

Баланд стол елка ва бўйинни доимо таранг ушлаб туришга мажбур этади. Б[illegible]ҳол қоматга ҳам, кўриш қобилиятига ҳа[illegible] салбий таъсир этмай қолмайди.

Мебелни бир ёки икки йилга олмайдилар. Бу оёқ кийими эмаски, у ёқ-бу ёгини тўғирлаб бўлса. Ҳозирда савдода оёқларини катталаштириш ёки қисқартириш мумкин бўлган телескоп столстуллар мавжуд. Стол баландлиги турган ҳолатда қўл ташланганда кафтлар билан тенгма-тенг бўлиши айни мақсадга мувофиқдир.

Аслида ўқувчи ёзув столига 15 градусга яқин энгашса жуда ҳам яхши бўлади - бу бошни ҳаддан зиёд чўзишни бартараф этиб, умуртқа поғонасига ортиқча юк тушмайди, бош билан стол усти узра қулай масофани ушлаб туради, энг муҳими кўриш қобилиятини сақлаб қолади.

Стул ҳақида ҳам шундай фикрлар билдириш мумкин. Ўриндиқнинг тирсак қўйишга мос томонлари бўлса яна ҳам яхши. Бунда бола елка ва белларини бўш қўйиб, дам олади.

Эслатма: елка ва бел атрофларига дам бериш учун 30-40 дақиқа стулга елкани бўш ташлаб ўтирган маъқул. Мактабларда ва уй шароитида ана шуларга етарли эътибор берилмаса, боланинг гавда тузилиши кўнглимиздагидек эмаслиги нафақат таълим-тарбия, балки тиббиёт соҳаси мутахассисларининг ҳам жиддий муаммосига айланади. Бу ҳолда маданият, махсус гимнастика машқлари ҳам четда турмасликлари керак.

ТАҚҚАНДА ТИЛЛА СОҒЛИГИНГНИ ТИЛЛА

Олтин қадим-қадимдан барча тоифадаги кишиларни қизиқтириб келган. Бу қимматбаҳо металл одамларни не қўйларга солмаган. Моҳир усталар қўлига тушган олтин: узук, зирак, занжир, билакузук каби ғоят қиммат ли тақинчоқларга айланиб, айниқса аёллар ақл-ҳушини олиб қўйган. Йиллар, асрлар ўтса ҳам бу ажойиб металл айнимасдан яхши сақланганиучун ҳам у қимматликдир. Лекин у соғлиққа зарар экан нини ҳаммамиз биламизми? Келинг, бу ҳақда мутахассислар фикрини эшитсак.

Агар қўл соатингиз тилла билан қопланган бўлса, магнит майдони қўлга кўчиб, тақинчоқда ток оқими пайдо бўлади. Бу ток қайси бир аъзоингизга таъсир этиб, бутун организмда нохуш ҳолатни вужудга келтиради. Бир аёл юрак қон томирлари фаолияти яхши эмаслигидан нолиб қолади. Изчил, атрофлича текшириб кўрилганда аёл доим тақиб юрадиган оғир билкузукли соат сабабчи эканлиги маълум бўлди. Тилла қоплама юракка таъсир этган, яъни юракда пайдо бўлган ток оқими билан курашавериб, ўзининг асосий ишини бажаришга кучи қолмаган.

Кўп аёллар бош оғриғидан нолийдилар. Лекин, қулоқларидан ечмай юрадиган зирак таъсир этаётганини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Гўдаклигимизда ёки болаликда биттами ё иккала қулоғимизни нотўғри тешиб қўйган бўлишлари арзимагандек туюлса-да, қулоқ аъзоимизда беҳисоб асаб нуқталари борлигини назарда тутсак, бу соғлик жиҳатидан анча жиддий эканини англаб етамиз.

Ойдиной деган қиз тилла зирагини тақиши билан чап қулоғи қизиб, яллиғлана бошлашидан шикоят қилади. Текшириб кўрилганда, қачондир қулоғини тешишаётганда игна юрак-қон томири билан боғлиқ нуқтага тегиб кетгани маълум бўлди. Ҳамма айб зиракда эканлигини хаёлига келтирмаган ота-она қандай даволар қилиб кўришмади, дейсиз. Мутахассислар билиб, аниқлашгач, зирак тақадиган тешикни юқорирокда, асаб нуқталари тўқ жойдан танлашни маслаҳат беришди.

Кейинги беш-ўн йилдан бери қиз-жувонлар орасида тилла занжирнинг йўғону ингичкаларини бўйиларига осиб олиш кенг урф бўлди. Буни қарангки, тилла занжирни бирданига икки-учтадан тақиб олишни (агар имконингиз кўтарса) маслаҳат беришяпти мутахассислар. Чунки, бир занжир кечга бориб бош оғриғини қўзғатиши, кўриш қобилиятини кескин тушириб юбориши, терида ўзгариш содир этиши мумкин экан.

Ҳинд аёлларининг тўпиқларига занжирлар тақиб олишлари бежиз эмас. Маълум бўлишича, танани баъзи бир таъсир белгисидан хабардор қилиб, унинг безиёнлигини таъминлаш учун қўлга ёки тўпиққа ҳалқалар илиб қўйиш фойдадан холи эмас экан. Масалан, чап қулоқ нотўғри тешилганлиги зарар қилмаслиги учун қулоққа тақилган зирак қандай металлдан бўлса, ўшандай металлдан ясалган билакузукни ўнг қўлга тақиш керак. Бўйнидаги тилла занжир соғлиғимга зиён келтирмасин десангиз ўнг оёқ тўпиғига шундай занжирни тақиб олинг.

Узуклар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аёлларга қўйиб берсак, жимжилоққача тақиб оладилар. Ҳатто кўрсаткич ва бош бармоқни ҳам бўш қўймайдиганлар бор. Майли, ҳамма топганини тақади, лекин бу тақинчоқлар сифати, хом-ашёси бир хил бўлиши саломатликка яхшидир. Шундай фикрлар юрадики, бармоқлардаги узуклар қобилиятни, оқиллик ва истеъдодни бўғиб қўяркан.

Барча буюмлар ахборот майдонига эгадир. Хусусан, тилла буюмлар ҳам ўз ичи ва атрофида оғир, мураккаб майдонни вужудга келтиради. Айтайлик, тилла тақинчоқни сиздан аввал ошқозон ости бези шикастланган аёл таққан бўлса, энди сизда ҳам овқат хазм бўлиш қийинлашади, бора-бора ошқозон ости бези касалланиши мумкин.

Албатта, юқорида келтирган фикр ва мулоҳазалар йиллар давомида ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб айтилган. Тирик организм сингари тилла-ю кумушлар ҳам ўз жонли оламига эга бўлиб, уларнинг ҳам ўз қонун-қоидалари борлигини унутмасак бўлгани.

ЖУНДАН БЎЛГАН КИЙИМЛАР ҚАНДАЙ ЮВИЛАДИ?

Аслида жундан бўлган кийимларни кимёвий тозаловчи корхонага берган яхши. Лекин, бунга имкониятингиз бўлмаса, ўзингиз ювмоқчи бўлсангиз бу ишга алоҳида эътибор билан ёндошиш керак бўлади. Чунки жундан бўлган кийимлар нотўғри ювилишдан, нотўғри қуритилишдан кўринишини тез йўқотиб, кераксиз буюмга айланиб қолиши мумкин. Энг аввало тоғорага солган сувнинг иссиқлик даражаси 28°С дан ошмаслиги керак. Сўнг махсус жунли кийимларни ювиш учун мавжуд бўлган кир ювиш воситасидан (порошокдан) фойдаланасиз. Кир ювиш воситасини 28°С га яқин сувга солиб яхшилаб аралаштирасиз-да кейин жун кийимингизни солиб ювишни бошлайсиз. Бунда эҳтиёткорлик билан, оҳиста тортмасдан, чўзмасдан кафтларингиз орасига олиб ишқалайсиз. Агар бир марта ювганингизда тоза бўлмаса, иккинчи марта ҳам шундай тарзда ювасиз. Тоғорадан олаётганингизда бураб, сиқмайсиз. Аксинча кафтларингиз орасига олиб, оҳиста сувларини сал-сал силкиб туширасиз. Сўнг тоза сувда ёки озроқ сирка қўшилган (1-2 қошиқ сувнинг миқдорига қараб) сувда чайиб оласиз. Пахмоқ сочиқ ёки чойшабга ўраб сувини оҳиста сиқиб оласиз. Қуритиш учун стол устига ёки текис жойга пахмоқ сочиқ ёки чойшабни тўшаб, устига кийимингизни текислаб ёйиб қўясиз. Жун кийимларни қуёшда, ёки иссиқлик ёнига осиб қуритиб бўлмайди. Чўзилиб кетиб, шакли бузилиб асл кўринишини йўқотади. Шунингдек, қуригандан сўнг ҳам кийим шкафларида, кийим осқичларда осиб қўйиш мумкин эмас. Қуригандан сўнг тахлаб шкафга қўйишингиз мумкин. Юқоридагиларга амал қилсангиз, жун кийимларингиз сизга узоқ вақт хизмат қилишади мумкинлигини унутманг.

ЭНГ НОЗИК КИЙИМ

Колготка харид қилаётганингизда аввал унинг қандай тайёрланганлиги таркибига қаранг. Таркибида қанча лайкр кўп бўлса, шунча яхши. Бу олий сифатга кафолат беради. У қанчалик пишиқ тўқилган бўлса, шунча чидамли бўлади. Айнан ҳозир ана шундай зич тўқилган колготкалар урфда бўлиб, у сизга салкам ярим йил хизмат қилади.

Энди колготканинг чокларига эътибор берамиз. Ясси чокларга диққат билан қаранг, чунки улар дарров кўзга ташлана қолмайди. Танлаган колготкангизнинг тепа қисмидаги резина ўтган чоклар ҳам сезилар-сезилмас бўлиши керак.

Лекин, уни кийганда эҳтиёт бўлинг: оёқларингиз ораста бўлиши шарт! Агар оёқларингиз бежирим ва тўғри бўлса, йўл-йўл колготка жуда ярашади.

Колготкани эҳтиётлаш сирлари:

● Агар улар сизга узоқ хизмат қилсин десангиз... музлаттичда бир кун сақланг.

● Кир ювиш кукуни, совун ёки шампун билан илиқ сувда ювинг.

● Яхшилаб чайгач, сиқманг ва ғижимланг - тукли сочиққа ўранг ва сувини шимдириб қуритинг.

ЛИБОСНИ КИЙГАНДА КЎР...

Аёл борки, модага қизиқади, яқинлашаётган мавсум қандай кийиниб - безанишни тавсия этаётганини билиш учун, албатта модалар журналини варақлайди.

● Агар елкангиз қисқа, ёнбошингиз кенг бўлса, пастга қараб кенгайиб борган либосни танланг. Бели кенг блузка, свитерлар ҳам сиз учун, лекин шим кийишингизни маслаҳат бермаймиз.

● Елкаси кенг, кўкраги бўлиқ, бел ва белдан паст қисми аксинча, тўлиқ бўлмаса, бундай қоматга тўғри бичимдаги юбка, узун костюм ва шим ярашади. Икки хил матодан қўшиб тикилган костюм ҳам мос келади, лекин туклари ҳурпайган свитер ва кенг костюм тўғри келмайди.

● Кўкрак бўлиқ, ёнбош кенг, бел хипча бўлса-чи? Бундай белга камар тақишкатта хатодир. Яхшиси ярим ёпишиб турадиган кўйлак ва костюм белни меъёрида кўрсатиб туради.

● Костюм ва кўйлак елкаларига ихчам юмшоқ ёстиқчалар қўйиш керак. Бу қоматни расо қилиб кўрсатади.

Саҳифани Ж. АСАДОВА, Н. РЎЗИМЕТОВА тайёрлади

СИЗНИ ТАНИЁЛМАЙ ҚОЛДИМ

Одатда байрамлар яқинлашаётган сайин югур-югур кўпайиб, жонимиз ҳалак бўлади. Аммо кўзгуга боққанда. Эвоҳ, ким ўзи бу? Ҳечқиси йўқ, ҳали ҳам ҳол-аҳволингизни тўғрилаш учун вақт ва имконият ўз қўлингизда .

Демак, байрамга ҳали бир ҳафта бор. Ҳар ҳолда бир ҳафта ичида 3кг.га озиш, юз рангини ўзгартириш, тийрак назар ва ёшлик табассумни жонлантириш мумкин.

Ортиқча вазндан, айтайлик 3 кг.дан қутулиш мумкинми? қуйидаги парҳез сизга бу борада қўл келади:

Оқсил моддаларга бой товуқ ёки балиқни қайнатган ёки димланган ҳолда, лекин бир томчи ёғсиз танаввул қиласиз. Нонуштага-тухум. Агар бироз ранг-баранг қилмоқчи бўлсангиз, янги бодринг, лимон шарбати билан дастурхонингизни бойитишингиз мумкин. Кечки овқатга зинҳор соат олтидан кейин ўтирманг. Ширинликлардан, хамирли таомлардан ўзингизни тийинг. Парҳезли кунларни енгил, хушчақчақлик билан ўтказиш учун бирон ишма ўйлаб топинг. Масалан, ҳафта ёки ўн куннинг тартибини тузинг. Кунни вазнингизни тортиб кўриш ва бир парча қоғозга қайси число, қанча оғирликда эканингизни ёзиб қўйиш билан бошланг. Кечга бориб шу қоғозга кун бўйи нималар танаввул қилганингизни ёзиб қўйинг. Ёзганларингиз қанча камайиб борса, шунча яхши. Чунки, вазнингиз енгиллашётганини биласиз-да. Ўз-ўзингиз билан ўтказилган бу мусобақа кўнглингизни кўтаришига шубҳамиз йўқ.

Сиз энди парҳез машғулотларига шундай киришиб кетасизки, ўзингизни бардам, тетик ҳис эта бошлайсиз. Ҳафтада бирор кунни ҳеч қандай овқатсиз ўтказиш учун ўзингизни тайёр деб ҳисоблайсиз. Кун бўйи овқат пайти келганда сабзи, олма шарбатлари билан кифояланасиз. Баъзиларга ёғсиз қатиқ маҳсулоти келади. шундан кейин ёзиб бораётган кундалигингизга қаранг: 1, 1,5 кг. яна озгансиз!

Сабзавотлар билан парҳез қилишни маъқул кўрганлар учун сабзи, олма, карам энг фойдалидир. Бу маҳсулотларни хомлигича ёки қайнатилган ва димланган ҳолда (ёғ қўшилмайди) ейиш тавсия этилади. Буларга албатта кўкатлар қўшишни унутманг. Кези келганда шуни айтиш лозимки, парҳездамисиз ё йўқми кечки овқатни соат олтигача ейишга одатланинг.

Энди юзни силлиқлашга ўтамиз. Кўзгунинг тўғрисига йоглар сингари ўтириб олинг. Бошни тўғри тутиб, ўз аксингизга қаранг. Фараз қилинг, юзингиз устига юбқа ниқоб қопланган ва шу ниқоб ип билан бойланган, у тушиб кетмаслиги учун қўлингиз билан гўё ипни (юз мушакларини) бошингиз орқаси томон тортаётган бўласиз. Шу жараёнда, қулоқ, гардан мушаклари тортилади, кўз атрофи текисланади. Шу ҳолда бир дақиқа ўтиринг, сўнг астасекин қўйиб юборинг. Бу жуда фойдали машқ бўлиб, кунига 1-2 мартадан такрорласангиз, натижасидан хурсанд бўласиз.

Иккинчи машқимиз ияк устида бўлади. Пастки чакак билан пастки тишларни олдинга чиқаринг-да, пастки лабингиз билан юқори лабни тишлаб туринг. Тилингизни иложи борича ичкарига тортинг. Бироз шундайлигича қотиб туринг, сўнг асталик билан ўз ҳолига қайтаринг. Бошланишига бу машқни бир кунда 3 марта, эртасига 5 маротаба такрорланг.

Юқоридаги маслаҳатларимизга ихлос билан амал қилсангиз, наинки байрам кунлари, балки оддий кунлар ҳам байрамдагидек хуш кайфиятда бўласиз.

ЖАМИЛА

БУ НОЗИК КЎЗЛАР...

Кўз остида пайдо бўлган халтачалар, қорамтир доиралар баъзи бир анатомик ўзгаришлардан далолат беради...

Гап шундаки, қовоқ териси билан тери ости тўқималарда юпқа мембрана мавжуд бўлади. Кимдадир бу мембраналар қалинлашган бўлади. Мембрана юпқалашган сари тери остидан ёғ тўқималари кўриниб қолади.

Қорамтир доирачаларга келсак, улар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ёмон овқатланиш, асабийлашиш, кам ҳаракатланиш ва юз териси парваришига беэътибор бўлиш натижасида кўз остида қорамтир доирачалар ҳосил бўлади. Косметологларнинг таъкидлашларича, кўз олдидаги тери парваришини 20-25 ёшдан бошлаган маъқул.

Кўзни қичиштирмайдиган таркибида ёғ бўлган махсус мой, лосьонлар, коллагин, эластин сингари мойлар тери ичкарисига кириб кетмайди, тери устидан юпқа қилиб суртиб қўйилади ва терининг қуриб қолишига йўл қўймайди.

Кўз атрофидаги терини парваришлашга доир воситалар тавсияномасида турли-туман тетиклантирувчи моддалар ёзилган. Бу воситалар лимфатик томирлар фаолиятини яхшилайди.

Кўз ости халтачалари кўпайиб кетмаслиги учун муолажанинг бир қанча турларини қўллаш, махсус юмшатувчи мой-упалардан фойдаланиш керак. Бу борада халқ табобатида ҳам маълум тажрибалар орттирилган. Кўз ости салқишини камайтириш ва қон айланиши жараёнини яхшилаш учун сметана билан петрушкадан тайёрланган ниқобдан (2 чой қошиқ сметанага 1 чой қошиқ майда кесилган петрушка) фойдаланилади. Пўсти арчилмай пиширилган картошкани илиқ ҳолида кўз ости терисига қўйилса ҳам яхши натижа беради.

Кўз атрофи терисидаги ушбу нуқсонлардан жарроҳлик йўли билан ҳам қутилса бўлади. Қовоқдан осилиб тушган ортиқча терини ва тери остидаги тўқимани жарроҳ олиб ташлайди. Бунинг натижасида билинар-билинмас чандиқ қолиши мумкин. Қовоқлар териси бир неча қават бўлганлиги боис улар жарроҳликдан кейин қолган чокларни беркитади.

Кўз ости халтачаларга келсак, жарроҳлик қуйи қовоқнинг шиллиқсимон қобиқчасида амалга оширилади ёки лазер усули қўлланилади. Бу жараён чандиқ қолдирмайди.

Жарроҳликдан сўнг кўздан оқадиган ёш қуруқлашиб қолади ёки аксинча серёш бўлиб қолади. Жарроҳликдан кейинги илк кунларда ёшлар тинмай оқиб туради. Айниқса кўзда қон тўпланиб қолиши нисбатан хавфлидир. Лекин бундай ҳол жуда камдан кам учрайди.

* * *

Ҳозирги болалар соатлаб телевизор ёки компьютер қаршисида ўтирадилар. Шундоқ ҳам мактаб дарслари кўзга тиним бермайди. Шу ҳолда кўриш саломатлигини сақлаб бўладими? Шу хусусда таниқли америкалик офтальмолог, доктор Уильям Горацио Бейтс ўз маслаҳатлари билан қуйида ўртоқлашади.

Соғлом кўз бамисоли фотообъективга ўхшайди. Объект узоқлаштирилганда у йўғонлашиб ўз марказини қисқартиради, яқинлаштирилганда эса узунлашади. Агар кўз мушаклари узоқ пайт зўриқса. ўз мулойимлиги, эгилувчанлигини йўқотади - шунда кишининг кўриш қобилияти заифлашади. Кўзойнак тақиш муаммони ҳал этмайди - улар кўзнинг қимирлашига қараб ишлай бошлайди ва натижада кўз мушаклари бутунлай қувватсизланиб қолади.

Ж. АСАДОВА
тайёрлади

ПАРДОЗ ҲАМ САВОБДАНДУР

Юз терисини майин, юмшоқ, нозик, силлиқ бўлишига эришиш учун аввало уни нормал, қуруқ ёки ёғли эканлигини билиб олишимиз лозим. Бу эса юзимизни тўғри парваришлашда муҳим аҳамият касб этади.

Нормал юз териси ўзининг нозик ва майинлиги билан бирга қон айланиши маромида бўлгани сабаб пушти ранг, қизғиш тусда бўлади. Афсуски, бундай тери соҳибалари кам учрайди.

Аксарият аёлларнинг юзлари қуруқ бўлиб, совуқда дарров қизариб кетади. Қуёш нури, совундан ортиқча фойдаланиш ҳам қуруқ тери соҳибаларига ёқимлилик бахш этолмайди. Теридаги ёғлилик даражасининг камлиги эрта ажин тушишига сабаб бўлади, дейиш мумкин.

Доимий парваришни хуш кўрувчи қуруқ юз териси тўғри қилинган гигиеник ва косметик муолажалар натижасида ўзининг гўзаллигини узоқ сақлаши мумкин. Лозим бўлган парваришлар қилинмаслиги, терига бўлган эътиборсизлик натижасида янада қуруқлашиб, қизил доғлар пайдо бўлади.

Кўпинча аёлларимиз юз териси парваришини терининг парваришига мухтожлиги сезилгандан сўнг бошлашади. Аслида эса буни эртароқ бошлаган маъқул. 20-25 ёшлардан парваришланган тери ўзининг табиий ҳолатини узоқ ва яхши сақлайди.

Юз териси қуруқ бўлган аёлларга ҳимоя кремларидан фойдаланишни тавсия этамиз. Бу эса терига сабдий таъсир этувчи куёш нури, шамол, ёмғир каби табиат ҳодисаларидан асрайди. Кечқурун эса юз терисини ўсимлик мойи ёки бирон бир озиқлантирувчи ёғли крем ёрдамида тозаланиб, уқаланади. Камида икки соат ўтгач тери крем қолдиқларидан илиқ сув билан пахта ёрдамида тозаланади. Бу муолажа билан сиз юзингизни керакли витаминлар билан тўйдириб, дам олиши учун имкон яратасиз.

Ёғли терида ёғ безлари фаол бўлиб, айниқса, балоғат ёшида кўп миқдорда ёғ ажралиб чиқади. Бу эса терининг ялтираб туришига сабаб бўлади, чангни тез қабул қилади. Шунинг учун ҳам бундай юзни эрталаб ва кечқурун албатта совун билан ювиш лозим. Қуритилган юзга тузли муолажа, яъни шўр сув буғи тавсия этилади. Шунингдек, 25-30%ли спиртли аралашмада юзни артиб тозалаш ҳам яхши натижа беради. Тозаланган юз териси 3-5 дақиқа давомида уқаланса айни муддао бўлади.

Ёғли тери соҳибаларига айниқса, ноқулай об-ҳаво бўлган вақтда кўчага чиқишдан олдин ҳимоя учун крем пудра ёки ёғли крем суртиш тавсия этилади. Чангдан ҳимоялаш учун эса махсус лосьонлардан фойдаланиш тавсия этиладди. Ётишдан олдин юз терисини 3-5 дақиқа давомида уқалаш лозим.

Наргиза РАСУЛМУҲАМЕДОВА

ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ!

Ҳар бир инсон агар хоҳласа етук ақл эгаси бўлиши мумкин экан. Тўғри, қуйидаги тавсиялар баъзи бировларни Эйнштейн даражасига етказмаса-да, америкалик психолог Лесли Стэнланднинг фикрича, кўпгина шароитларда инсонни ўз-ўзини қандай тутиш кераклигига йўлланма бўла оларкан.

- Кўпроқ классик мусиқаларни тингланг. Масалан, мусиқа генийси Моцартни. Психологнинг фикрича, 20 дақиқалик мусиқа инсон ақлий даражасини (интеллектини) ошираркан.

- Кўк чой ичинг ёки кўк чойга ҳар хил хушбўй доривор ўтлардан қўшиб ичинг. Бундан нафақат танангиз қон-томирлари балки бош мия қон-томирларингизнинг фаолияти ҳам яхшиланади. Ўз навбатида эслаш қобилиятингиз яхшиланиб ақлингиз ошади.

- Ҳар куни 20-30 дақиқа саёҳат қилишни одат қилинг. Олимларнинг фикрича, кўп юриш, югуриш, велосипеддда сайр қилиш, инсон кайфиятини, ақлий қобилиятини яхшилайди.

- Кўпроқ оқсилга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилинг. Қадимдан маълумки балиқ инсон мияси учун озуқа ҳисобланади. Оқсил яна қўй, товуқ гўштида, пишлоқда ва ҳоказоларда кўп бўлади.

- Ҳар куни ярим таблетка аспирин ичинг. Аспирин бош мияга бериладиган қонни яхшилайди. Бу эса ўз навбатида бош мия фаолиятини яхшилайди. Лекин ичишдан олдин шифокорингиз билан маслаҳатлашиб кўриб, кейин ичганингиз маъқул. Чунки баъзи бир касалликларда аспирин ичиш тавсия этилмайди.

- Бошқотирмалар ечишга одатланинг. Бу машғулот ақлингизни пешлайди.

- Спиртли ичимликларни ичишни камайтиринг. Чекишни умуман ташланг.

КИЧИК МАСЛАҲАТЛАР

● **Камқонлик ва кислород етишмаслигидан қутулиш учун:**

Ҳар куни эрталаб уйғонишингиз билан овқат емасдан олдин бир қошиқ асални яланг ёки чой билан ичинг. Сўнг юзингизни олдин қайноқ (45°) сув билан, сўнг совуқ (18°) сув билан ювинг;

● **Сочларингизнинг мустаҳкам бўлиши учун:**

- Ойига бир марта иккиуч дона тухумнинг сариғини суртиб 20 минутдан сўнг, илиқ сув билан ювиб ташланг. Кейин қичитқи ўти қайнатмаси (2 ош қошиқ кичитқи ўтининг 1 литр сувдаги қайнатмаси) билан чайиб ташланг;

● **Гайморитдан қутулиш учун:**

- Бир чой қошиқ болалар кремига 3 чой қошиқ саримсоқпиёз сувини аралаштиринг-да, пешонангиз ва бурнингиз атрофига ва ичига суртинг;

● **Тиш ва милкларингизнинг мустаҳкам бўлиши ёки шамоллашини йўқотиш учун:**

- Маврак (шалфей) ва дуб пўстлоғи дамламаси билан оғзингизни чайқанг. Бунинг учун бир ош қошиқ маврак (шалфей) ва бир ош қошиқ дуб пўстлоғини бир литр қайноқ сувда чой дамлагандек дамлаб қўясиз-да, сўнг фойдаланасиз;

● **Уйқусизлик касалидан қутулиш учун:**

- Енгоқ ва ерёнгоқни қаймоқ билан енг. Еганда ҳам иложи борича тушгача есангиз яхши дам олиб, кунига 8-9 соат ухлаб хордиқ чиқарасиз;

● **Овқатингизда витаминлар етарли бўлсин:**

Е витамини - гречкада, гуручда, сабзида, сельдрда, саримсоқда ва ёнгоқда, А витамини - лавлагида, пиёзда, Кальций эса - олмада, творогда, тухумда, пишлоқда, сутда ва қовунда кўп бўларкан.

Нодира РЎЗИМАТОВА

ТИРНОҚЛАРИНГИЗ КЎНГИЛДАГИДЕКМИ?

Қўлларингизга қаранг. Тирноқларингиз ўзингизга ёқадими?... Балки уларга парвариш керакдир ёки уларга ҳам витаминлар етишмас? Албатта шундай. Вақти-вақти билан тирноқларингизни лимон сувига ботирилган пахта билан яхшилаб артиб туринг. Тирноқларингиз тозалашиб ялтиллаб туради, лекин бўлар бўлмасга артавериб, уларни куритиб ҳам қўйманг.

Нозик ва тез синувчи тирноқларни асли ҳолига келтириш учун илиқ ўсимлик мойига бир неча дақиқа бармоқларингизни ботириб туринг. Унга бир неча томчи лимон сувини томизиб юборишингиз мумкин. Майли, бармоқларингизни дарҳол ювиб ташламанг, уларни юмшоқ латта ёки қоғоз билан артиб қўйингда бир неча соатдан сўнг ювинг. Бир ҳафтадан сўнг улар ўз ҳолига келади. Муолажани ҳафтасига 2-3 марта такрорласангиз кифоя.

Кир ювгандан сўнг ишқордан зарарланиб қолган қўл терисини озроқ олма сиркасига ботирилган пахта билан артсангиз тез асл ҳолига келади.

Раъно АҲМЕДОВА

Турмуш чорраҳаларида

СЕН МЕНГА СУЯНИБ ЯША, МУҲАББАТ

Дунёда инсонлар қанча бўлса, тақдирлар ҳам шунча турфа хил. Ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайдиган уларнинг қисматларидан ўзимизга тегишли хулосалар чиқарамиз, сабоқ оламиз. Самандар исмли йигитнинг ҳикоясини эшитиб, бунга яна бир бор амин бўлдим...

Даврон исмли дўстимдан Муҳаббатга совчи борибди деб эшитганимда, гарчи яқин дўстим бўлса ҳам: "Эҳ, Муҳаббат роса инжиқ йигитга учради-да", деган ўй ўтувди хаёлимдан. Бир неча кун ўтиб ўртоқларимдан: "Даврон Муҳаббатни олмайман, деб оёқ тираб олибди" дейишганида, ажабланмадим. Чунки Даврон-нинг ота-онаси эрта вафот этиб кетгач, у акасининг қўлида катта бўлди. Акаси билан янгаси унинг кўнглига қараб ўстиргани учунми эрка, ўз айтганини қилдирадиган бўлиб вояга етди.

Хуллас, йигит билан қиз бир-икки учрашишиб, тўй куни ҳам етиб келди. Биз куёвхўралар ясаниб олган куёвтўрани етаклаганча келиннинг уйига отландик. Карнай-сурнай жўрлигида ҳовлига кириб бордик. Қудалар хурсандчилик билан бизни кутиб олишди. Урф-одатлар, расм-русумлар бажарилгач, келинни уйдан олиб чиқа бошлашди. Шунда ўртоқларимиздан бири: "Даврон, бақалоғинг чиқяпти", - деб қиқирлаб кулди. Ширакайф бу ўртоғимизнинг гапига ҳеч ким эътибор бермаган бўлсада, Даврон-нинг қошлари чимирилиб, қовоқлари солиниб кетди... Уни гапга солиб, қўлидан тутиб келин томон бошладим. Келин-куёв учун ясатилган машинага чиқдик. Мен куёвнинг ёнбошида ўтирибман. Даврон то ўз уйларига келгунча келинга қўрс гапириб, турткилар: "Сенга уйланаман деганим йўқ. Сен менга муҳаббат берармидинг!?", дер эди тўнғиллаб. Мен эса унинг тирсагидан қаттиқ ушлаб: "Жим бўл! Ўзингни қўлга ол!", дер эдим ундан-да қатъийроқ овозда.

Дунёга келиб бундай аянчли, бундай ноқулай вазиятга тушмаган эдим... Муҳаббатга қарайман. Унинг кўзларидан оқаётган шашқатор ёшлар тинмай юзларини юварди... Юрагим эзилиб кетди...

Тўйхонага етиб боргач, Даврон шошилганча машинадан тушди-да, келинга қараб ҳам ўтирмай шарақлаб эшикни ёпиб, ҳовлига қараб юрди. Унинг ортидан чопдим... Ҳовлида акаси бир тўда меҳмонлар билан турган экан.

- Мен сизга бундай қизни олиб беринг деганим йўқ!!!- дея бақирди Даврон.

- Нима гап? Тинчликми? - Даврон-нинг акаси Маъмур ака меҳмонлардан хиҷолат бўлганича бир укасига, бир менга ҳайрон бўлиб қаради.

- Менга хунук қизни олиб бериб бахтли қиламан деб ўйладингизми?- Даврон-нинг овози ўзиникига ўхшамай чиқди. У эгнидаги костюмини ечди-да, акасига қараб отди ва ҳовлининг орқа тарафига ўтиб кетди...

Ҳамма лол, ҳайрон! Ташқарида эса келин, дугоналари, қудалар...

Биз икки ўртоғимиз билан уйнинг орқа тарафи - боғга ўтдик. Ҳеч ким йўқ! Изламаган жойимиз қолмади. Ҳаллослаганча қишлоқнинг катта кўчасини ярмигача бордик. Йўлда учраган бир ўспирин бола Даврон-ни шаҳарга кетадиган автобусга чиқиб кетганини айтганидан сўнггина, "тарвузимиз қўлтиғимиздан тушганча" тўйхонага қайтдик.

Бор меҳнатини, меҳрини укасининг тўйига сарфлаб, елиб-югуриб тўйга тайёрланган, сингилларини уйли-жойли қилган Даврон-нинг акаси ва янгасига яқинлашар эканмиз, "Нима деймиз?", деб ўйлардик. Маъмур ака бизни кўриб: "Йўқми?", - деб сўради. Булар-нинг барига биз ҳам сабабчидек ерга қарадик. Шундай бўлишини олдиндан сезгандек, ҳафсаласиз қўл силтади-да, нари кетди...

Бу пайтда эса ҳар тарафдан ҳеч нарсадан хабари йўқ меҳмонлар ҳовли ўртасига катта қилиб безатилган стол атрофига келиб ўтира бошлашган эди. Қозонларда турли таомлар, самоварларда чойлар қайнаган. Созандалар аллақачон мусиқаларини бошлаб юборишган. Кун аста-секин қоронғулашиб, катта-катта чироқлар атрофни ёрита бошлаган. Дугоналари келинни аллақачон уйга олиб киришиб, бу ёғи нима бўлишини кутишарди. Вазиятни юмшатиш мақсади-да, қуда томон доира чалиб лапар айта бошлашди. Вақт эса ўтиб борарди. Ҳеч кимдан садо чиқмас, ҳеч ким бир нарса қилишга жазм қилолмасди. Шу пайт кимдир келиннинг отасини олиб келди (Биз тарафда қизининг тўйига оталар боришмайди). Ота тўғри қизи ўтирган уйга кириб борди-да:

- Она қизим, тура қол. Ҳали насиб бўлса бахтли бўлиб кетарсан. Ҳамманинг бошида бир синов, кўргулик бор, жон болам. Юр, мен тирик эканман, сени хор қилиб қўймайман, - деди. Бошини эгиб олган, елкалари дир-дир титраётган Муҳаббат отасига эргашди...

Шунда биз куёвхўралар отахоннинг олдига бориб, бироз сабр қилишини, балки Даврон ҳозир келиб қолиши мумкинлигини айтдик. Отахон эса: "Бўлмайдиган ишни бошидан бўлмагани маъқул. Агар қизим бугун бу хонадонда қолса, эртагача Даврон-бой келмаса, қизимга бир умрлик тамға босилади. Қўйинглар, иссиғида ҳаммаси ойдинлашгани маъқул", - деди. Мен ичичимдан отахоннинг сўзини маъқуладим. Остона ҳатлаб ортига қайтаётган Муҳаббатни кўриб эса: "Сингилгинам, сен шундай бахтларга лойиқмидинг?", дея ўкиндим. Уни кўриб Даврон-нинг акаси ҳам кўз ёшларини ҳеч кимдан яшириб ўтирмади. "Мен олдимдаги қарзимни, ота-онамнинг васиятини бажариб бўлдим. Энди у қандай уйланса уйланаверсин!" Маъмур аканинг титраб айтган бу сўзларидан ҳеч ким ажабланмади.

Бу воқеа бир неча вақтгача қишлоқда дув-дув гап бўлиб юрди. Ҳамма: "Энди Муҳаббатни ҳеч ким олмайди. Ўзи зўрғагина совчиларга илашувди", деган гаплар қишлоқ оралаб, болалаб кетди...

Юрсам ҳам, турсам ҳам ўша кунги воқеалар, Муҳаббатнинг ҳолати кўз ўнгимдан кетмай қолди. Ниҳоят, ўйлаб-ўйлаб бир ишга қўл урдим... Муҳаббатга совчи қўйдим... Уйимиздагилар аввалига қарши бўлишди, аммо мен оёқ тираб туриб олдим. Ўзимни кўрсатиш учун, қаҳрамонлик қилмоқчи бўлганим йўқ, асло. Ҳаёт ўйинчоқ эмас-ку!? Мен кўнглим буюрган ишни қилдим. Ҳозирги замонда Муҳаббатдек муниса қизларни топиш қийин. Менга унинг чиройли керак эмас. Аммо унинг юриш-туриши, ишлари, қалби чиройли бўлсин. Совчиларни ноумид қайтишганини эртасига ўзим уларникига кириб бордим. Тўғри отасининг олдига бордим. Саломлашдик. Менинг гапларимни эшитиб бир пас ўйланиб қараб турди-да: "Кўнглини ўкситмайсанми қизимни?", деди. "Ўзимга ишонмаганимда олдингизга келмасдим", - дедим...

Шу билан тўйимиз бўлиб кетди. Ҳозир биз бахтли яшаяпмиз. Битта ўғлимиз бор. Муҳаббат мен ўйлаганимдан ҳам кўра самимий, меҳрибон экан. Бўлиб ўтган ишлар тўғрисида иккаламиз ҳам сўз очмаймиз. Мен уни авайлайман, у мени аяйди...

Даврон билан эса ҳеч бир даврада ўтирмаймиз. Мендан ўзини олиб қочади. Мен ҳақимда турли гаплар гапиради. Парво қилмайман. Чунки менинг ўз ҳаётим, ўз Муҳаббатим, Сардорим бор. Баъзан ўйлаб қоламан: "Тўғри қилдимми, ё..?" Тўғрисини айтсам, ишдан чарчаб оилам бағрига қайтганимда бу саволларга ўрин ҳам қолмайди. Биз бахтиёр яшаяпмиз

Хулкар ҲОТАМБОЕВА

Об-ҳаво маълумоти

Беш кунликнинг биринчи ярмида республикамизда ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсган шамол ғарб томонга секундига 7-12 метр тезликда эсади. Вақти-вақти билан унинг тезлиги секундига 17-22 метргача етади. Беш кунликнинг биринчи ярмида кечаси 4-9⁰ илиқ, беш кунликнинг боши ва охирида 14-19⁰, ўртасида эса 7-12⁰ илиқ бўлади. Беш кунликнинг биринчи ярмида республикамизнинг шимолида кечаси 1-6⁰ илиқ, иккинчи ярмида 3⁰ совуқ, 2⁰ илиқ бўлади. Кундузи эса 11-16⁰ гача илиқ бўлиши кутилмоқда.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

ҚЎЙ (21.03 — 20.04)
Шу ҳафта сизни омад кутмоқда. Айнан шу ҳафта ўз устингизда қаттиқ ишлашингиз, маҳоратингизни оширишингиз керак. Ниятингизга эришганингиздан кейингина дам олишингиз мумкин.

СИГИР (21.04 — 21.05)
Молиявий танг аҳволдан қутулиш учун дўстларингиз ёрдами керак бўлади. Бироқ, ўзи мухтож дўстларингиздан қарз сўраб уларни ноқулай аҳволга солиб қўйманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06)
Муҳаббат саргузаштларига берилиб кетасиз. Аммо,сиз ўз инжиқликларингиз билан ўзга қалбларни мафтун этаман деб ўйламанг. Севган инсонларгина самимий бўлишини унутманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)
Кўчмас мулк билан боғлиқ олди-сотди ишларингиз туфайли каттагина сармояга эга бўласиз. Эҳтиёт бўлинг! Омад юлдузингиз осмондан қулаб кетиши ҳам мумкин.

АРСЛОН (23.07 — 23.08)
Инсоннинг ёши ўтгандан кейин янги дўстлар орттириши қийин бўлади. Аммо, сиз содиқ дўстни айнан шу ҳафтада учратишингиз кутилмоқда.

БОШОҚ (24.08 — 23.09)
Сизга ишонган, сизни қадрлаган кишиларнинг кўнглини ранжитиб қўйишингиз мумкин. Шундай экан, улар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг.

ТАРОЗУ (24.09 — 23.10)
Сизга раҳбарларингизнинг назари тушган. Шу ишончга лойиқ бўлиш учун ҳаракат қилинг. Акс ҳолда омадни қўлдан бой берасиз.

ЧАЁН (24.10 — 22.11)
Ҳамкасбларингизнинг ғийбатларига парво қилманг. Улар қанча иғво қилишса, сиз шунчалар самимий бўлинг. Чунки, ғийбат ҳеч қачон яхшилик келтирмайди.

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.)
Оилангиз даврасида бўлинг. Узоқ кутган меҳмонингиз шу ҳафтада хонадонингизга ташриф буюради. Унинг иззатини жойига қўйишингиз керак.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)
Харидлар учун қулай ҳафта. Аввало, сизни ҳар доим эъзоэлагувчи яқинларингиз учун совғалар харид қилинг. Гап совғада эмас, эътиборда.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02)
Ўз соғлиғингиз ҳақида ўйлашингиз керак. Айниқса асабларингиг чарчаган. Дам олишга имкон бўлмаса кўпроқ жисмоний меҳнат билан шуғулланинг.

БАЛИҚ (19.02 — 20.03)
Ниҳоят ушбу ҳафтада ўз бошпанангизга эга бўласиз. Бироқ, янги уйингизни тартибга солгунча анча тер тўкишингизга тўғри келади.

Б. САЙИДАЛИЕВА тайёрлади

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 220. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 22247
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Л. АҲМЕДОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДОЛИМОВ